



# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊЪАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan e-mail: uzas@b2c.uz 2011-yil 8-dekabr • №50 (4137)

## 2012 йил — Мустаҳкам оила йили

### БИЗНИНГ ЙЎЛИМИЗ - ДЕМОКРАТИК ИСЛОХОТЛАРНИ ЧЎҚУРЛАШТИРИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИШ ЙЎЛИДИР

#### Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар! Қадрли дўстлар! Шу кунларда биз мамлакатимизнинг янги тарихидagi кўтлуг сана — мустақил, суверен ва демократик Ўзбекистон Республикасини барпо этиш йўлида мустаҳкам пойдевор бўлиб келаётган Асосий Қонунимиз — Конституциямиз қабул қилинганнинг 19 йиллигини кенг нишонламоқдамиз.

Аваллабор, мана шу муҳташам залда тўпланган сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни ушбу улғ айём билан чин қалбимдан муборакбод этиш ва шу имкониятдан фойдаланиб, барчангизга самимий ҳурмат ва эҳтирอมини изҳор этиш менга улкан мамнуният бағишлайди.

Том маънодаги тарихий бу санани ҳар сафар байрам қилар эканмиз, Конституциямиз — Асосий Қонунимиз қабул қилиниши билан биз Ўзбекистон келажигини, янгитдан барпо этилаётган давлатимизнинг чуқур мазмуни, маъно ва моҳиятини, сиёсий, иқтисодий, гуманитар ва маънавий тараққиётнинг, юртимиз киёфасини, унинг халқаро ҳамжамиятдаги ўрни ва нуфузини тубдан ўзгартириб юборган мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг пировард мақсадларини аниқ-равшан белгиллаб олганимизни ҳақли равишда юксак баҳолаймиз.

Агарки муҳтасар қилиб айтадиган бўлсак, Конституциямизнинг ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган бекиёс аҳамияти ва тарихий ролини биринчи навбатда биз учун мутлақо янги бўлган миллий давлатчилик ва унинг ижтимоий-сиёсий тизимини яратиш, демократик тамойиллар асосига қўрилган сиёсий ва иқтисодий тизимни шакллантириш учун зарур бўлган ҳуқуқий пойдеворни айнан Асосий Қонунимиз белгиллаб берганида кўрамиз.

**Иккинчидан.** Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа асосий халқаро ҳужжатларнинг принципал қоидаларини ўзида муҳтасам этган ҳолда, Конституциямиз инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, унинг эркинликлари давлат манфаатларидан устуналигини мустаҳкамлади, одамларимиз учун муносиб ҳаёт шароити яратишни ўзининг туб мақсади этиб белгиллади, ижтимоий адолат тамойилларини эълон қилди.

**Учинчидан.** Конституциямиз қонун устуворлиги, унинг барча фуқаролар учун тенглигини ва шунингдек, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлинишининг ҳуқуқий принципини белгиллаб берди, уларнинг мустақиллиги, мустақил ҳокимият тармоғи сифатида ривожланишини кучайтиришга, демократик давлатнинг асосий ҳал қилувчи шартли бўлган ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар муборакбоднинг самарали механизминини шакллантиришга қаратилган қонуний негизни яратди.

**Тўртинчидан.** Конституциямиз хилма-хил фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва ривожланиши, сиёсий партияларнинг эркин фаолияти, кўппартиявийлик тизимининг шаклланиши ва ривожланиши учун ҳуқуқий база яратди, сайлов тизимининг асосий тамойил ва механизмларини тасдиқлади, сайлов эркинлиги, одамларимизнинг ўз хошира-иродасини билдириш эркинлиги қафолатларини, ҳар қайси инсоннинг ҳокимиятнинг вакилик органлари сайлаш ва сайланиш, фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини мустаҳкамлади.

**Бешинчидан.** Миллий истиқлол гоёсини ва умумбаъшарий қадриятларнинг энг яхши жиҳатларини ўзида муҳтасам этган ҳолда, Конституциямиз миллий аёнчаларимиз, она тилимиз, халқимизнинг бебаҳо қадриятлари ва маданий меросини тиклашни таъминлади, инсоннинг маънавий камол топиши ва ҳар томонлама уйғун ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратди.

**Олтинчидан.** Конституциямиз миллий, қўққ-ладли иқтисодийимиз асосларини мустаҳкамлади, ўзини оқламаган, бутунлай касодга учраган марказлашган маъмурий-таксимот тизимидан эркин бозор иқтисодиётига қатъий тизимдан ўтиш учун шароит яратиш, хусусий мулкнинг устуворлигини ўрнатди.

**Еттинчидан.** Асосий Қонунимиз миллий хавфсизлик ва мудофаа органлари тизимининг шаклланиши ва самарали фаолият кўрсатиши, ўзининг ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатини давлатимиз, халқимизнинг олий манфаатлари, эл-юртимизнинг фаровонлиги ва хавфсизлигиндан келиб чиққан ҳолда мустақил белгиллайдиган мамлакатимизнинг халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқий субъекти сифатидаги макомининг ҳуқуқий асосларини белгиллаб берди.

Конституциямизда муҳрлаб қўйилган тамойил ва қоидалар асосида мамлакатимизда тўлақонли, самарали амал қиладиган қонунчилик ва ҳуқуқий база яратилди. Бир сўз билан айтганда,

Асосий Қонунимиз ҳуқуқий давлат қуриш йўлига ўтишимизнинг пойдеворини қуриб берди. Шу борада мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш жараёнларининг изчиллиги ва босқичма-босқичлиги, биз танлаган тарихий тараққиёт йўли, биз учун номақбул бўлган, "шок терапияси" деб атаган ислохотларни асоссиз равишда тезлаштиришнинг турли шакллари билан воз кечганимиз, четдан қарз олиш сиёсатининг пухта ўйлангани ва эҳтиётлик билан амалга оширилгани, мамлакатимизнинг тарихий, миллий ва аънавий ўзига хос хусусиятларини ҳар томонлама ҳисобга олганимизни таъкидлаш муҳим, албатта.

Уйлайманки, орадан йиллар, неча ўн йиллар ўтади, лекин ҳаётимизда ҳар томонлама синовдан ўтган, "Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг", "Ислохот ислохот учун эмас, аввало инсон учун" деган қоида ва тамойиллар ўзининг ўткир аҳамияти ва долзарблигини ҳеч қачон йўқотмайди, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Биз танлаб олган ва машҳур беш тамойилга асосланган тараққиёт моделининг нақадар тўғри экани сиёсий ва иқтисодий тизимни демократлаштириш, умуман, мамлакатимиз ҳаётидаги туб ўзгаришлар, Ўзбекистоннинг истиқлол йилларидаги жадал ривожланиши ислоҳотида ўзининг амалий тасдиғини топмоқда.

Ўтган давр мобайнида биз эришган марралар ҳақида гапирар эканмиз, ҳеч шубҳасиз, қўққ-ликнинг ҳайрати ва ҳавасини уйғотадиган натижалар, яъни, ялпи ички маҳсулотимиз ҳажмининг, аҳоли реал иш ҳақи ва даромадларининг юксак ўсиш суръатларини; иқтисодиётимиздаги туб таркибий ўзгаришлар ва мамлакатимизда ишлаб чиқариш ўзлаштирилган мутлақо янги, рақобатдош маҳсулотларнинг жаҳон бозорига чиқарилаётганини; юртимиз киёфасини бутунлай ўзгартираётган иншоотлар ва ишлаб чиқариш корхоналари, ижтимоий объектлар ва турар-жой биноларини барпо этиш бўйича кенг миқёсдаги бунёдкорлик ишларини; таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳаларида қўлга киритаётган улкан ютуқларимизни эркин мисолларда кўриш ва аниқлаш қийин эмас.

Ана шундай бекиёс ўзгаришларнинг амалий, ҳаётий натижаси сифатида юртимизда болалар ва оналар ўлими кескин қисқаргани, аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси ҳозирги кунда собиқ СССР ҳудудидаги энг юқори кўрсаткичлардан бирига — 73 ёшга, аёлларимиз ўртасида эса 75 ёшга етганининг ўзи, ўйлайманки, ҳеч кимни, авваллабор, шу юртда яшаётган одамларни бефарқ қолдирмайди, албатта.

Хали-бери давом этаётган жаҳон моливий-иқтисодий инқирози тундирлаётган муаммоларга қарамасдан, Халқаро валюта фонди томонидан таъкидланганидек, Ўзбекистон дунёдаги санокли мамлакатлар қаторида сўнги 5 йил мобайнида ялпи ички маҳсулотнинг ўртача 8,5 фоизга тенг бўлган йиллик ўсишини таъминлаб келаётгани, жорий йилда ушбу кўрсаткич 8,3 фоиздан кам бўлмаслиги бизнинг алоҳида эътиборга сазовор энг катта ютуқларимиздан биридир.

Ўтган йиллар давомида Ўзбекистонимиз, юртимизни янгилаш ва модернизация қилиш йўлида биз қўлга киритган ва дунё тан олаётган мана шундай ютуқ ва марралар, ҳеч шубҳасиз, барчангизга, бутун халқимизга фахру гурур бағишлашга табиийдир.

Шу билан бирга, биз мамлакатимизда барқарор ривожланишнинг эркин иқтисодиётга асосланган очик ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва инсоннинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини сўзда эмас, амалда энг олий қадрият бўлган, жаҳонда ҳурмат-эътибор қозонган жамиятни шакллантиришга қаратилган улғ ва машаққатли йўлнинг фақат бир қисминини босиб ўтганимизни ўзинимизга яхши тасаввур этишимиз зарур.

Шуни унутмаслигимиз лозимки, биз XXI асрда, интеллектуал қадриятлар устувор бўлган асрда, глобаллашув жараёнлари шиддатли тус олаётган ва жаҳон бозорида рақобат тобора кучайиб бораётган асрда яшамоқдамиз.

Бир ҳақиқатни ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз даркор. Бундай замонда, бундай шароитда эришилган ютуқларга махлиё бўлмасдан, ҳаволанишга берилмасдан, тез ўзгариб бораётган дунё билан ҳамқаддам бўлиб яшаш, вужудга келган вазиятни ҳушёр ақл-идрок билан баҳолаш, юз бериши мумкин бўлган хавф-хатарларнинг олдини олишга қодир бўлган мамлакатни муваффақият қозониши мумкин.

Уйлайманки, 2010 йил ноябрь ойида Олий Мажлисимиз — Парламентимиз томонидан қабул қилинган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси моҳият

этибори билан Ўзбекистонимиз яқин ва улғ истикболда ўз олдига қўётган юксак мақсадларга эришишнинг амалий стратегияси сифатида хизмат қиладиганини мамнуният билан таъкидлаш ўринлидир.

Бу ҳақда сўз юритганда, аввало конституциявий ислохотларни давом эттириш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришларнинг қонунчилик, ҳуқуқий ва норматив базасини чуқурлаштириш ва кенгайтиришнинг ҳар томонлама пухта ўйланган дастурини амалда жорий этишни назарда тутамиз. Ушбу дастур, биринчи навбатда, давлат ва жамият қурилиши соҳасида; суд-ҳуқуқ тизимида; фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш соҳасида; сайлов қонунчилигини янада демократлаштириш; фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш ва ниҳоят, мамлакатимизда олиб борилаётган бозор ислохотлари ва бозор инфратузилмасининг самардорлиги ва таъсирчанлигини ошириш соҳасидаги ўзгаришларни ўз ичига олади.

Мамлакатимизни демократлаштириш ва модернизация қилиш бўйича концепцияда ўз ифодасини топган ислохотлар бир-икки йилга эмас, балки ўнлаб йилларга мўлжалланган ҳал қилувчи муҳим вазифа эканини биз албатта яхши англаймиз.

Бу дастур ўз маъно-мазмуни билан бугунги кунда олдимизда турган энг юксак мақсад бўлиши — мамлакатимизни ривожланган демократик давлатлар қаторига кўтариш, халқимиз учун муносиб турмуш шароити яратишга қаратилган энг юқори мақсадимизни ўзида муҳтасам этиб, жамиятимиз учун давр синовидан ўтган яқин ягона тўғри йўл деб қабул қилишимиз зарур.

Азиз ватандошлар! Айни шундай буюк мақсадларни ўз олдимизга қўяр эканмиз, бугунги куннинг энг муҳим ва долзарб вазифаси — Концепцияда ва уни амалга ошириш стратегиясида ўз ифодасини топган олижаноб мақсадлар барча-барча юртдошларимиз учун ҳаёт мазмуни ва амалий интилушларга айланган боришини истардим.

Соддароқ қилиб айтганда, саховатли Ўзбекистон замининда яшаётган ҳар қайси одам мамлакатимизда олиб борилаётган ва кўзда тутилаётган барча ислохотлар авваллабор унинг манфаати, унинг оиласи ва фарзандлари учун, шу юртининг фаровонлиги ва тараққиёти учун амалга оширилаётганини аниқ-равшан аниқлаб этиши ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун ҳаммамиз ўз устимизда ишлаганимиз, аввало, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онгимизни юксалтиришимиз, сиёсий фаоллигимиз ва фуқаролик масъулиятимизни оширишни бугунги кунда олдимизда турган энг муҳим вазифалардан бири сифатида қабул қилишимиз даркор. Чунки, энг, тафаккур, эътиқоди мустаҳкам бўлган, ўз мустақил фикри билан яшаётган одамни чалғитиб ҳам, қимлардир ҳоқларга томонга оғдириб ҳам бўлмайди.

Бу ҳақиқатни барчангиз, аввало, бугун ҳаётга қариб келаётган ёшларимиз яхши аниқлаб олганга ишонаман. Қолаверса, бундай қараш, бундай ёндашув билан яшаш биз барпо этаётган ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим тарихий қисми, жамиятимизни ўзгартириш ва янгилашнинг асосий шартидир, десак, асло муболага бўлмайди.

Албатта, бугунги кунда ушбу йўналишда давлат ва жамоат ташкилотлари, ноҳукумат тузилмалар томонидан, маърифат идоралари, мактабларимиз, мамлакатимизнинг барча таълим муассасалари тарафидан кўп ишлар қилинмоқда. Лекин шунга ҳам тўқнаш керакки, бу ишларнинг миқёси, савияси, сифати ва энг асосийси, самардорлиги замон талабларига тўлиқ жавоб бермайди.

Бу масалани яна бир муҳим томони борки, унга алоҳида тўхталиб ўтиш ўринли, деб биламан.

Ҳеч кимга сир эмас, бугунги кунда мустақилликка; мана шу ёруғ кунларга эришиш йўлида кечирган синов ва машаққатларни, истиклолимизнинг маъно-мазмунини сохталаштиришга қаратилган турли ҳаракатлар тобора ортиб бораётганини кўриш, кузатиш қийин эмас.

Авалло, собиқ совет ҳудудида эски мустақил тузумни кўрмаган, бу ҳақда етарли маълумотга эга бўлмаган ёшларга нисбатан турли сохта талқин ва уйдирмаларни ишлайтиб, уларнинг онгига кечаги совет даврини кўмсаш туйғуси ва кайфиятини уйғотишга қаратилган уринишлар намоён бўлмоқда.

Давоми иккинчи саҳифада.



10 декабр — Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси қабул қилинган кун

### ЮРТНИНГ МАНГУ ҚЎШИҒИ

Оламда иккита улғ қўшиқ бор. Унинг бирини бешиқда, гўдақлигимизда оналаримиздан эшитганмиз, иккинчисини эса умр буйи тинглаймиз. Бу иккинчи қўшиқ тингловчинини ўз шавқига тўлдирадиган, кўксимизга Ватанимиз мангу тафтини, сеҳрини муҳрлайдиган, юракларга шиддат бериб, кўзларимизга олам ичра оламнинг буйини кўрсатувчи, киндик қон томган заминини шарофлайдиган юрт қўшиғидир. Бу қўшиқда аждодлар армони ушалади, орзуси камолга етади. Бу қўшиқда келажак байроқ кўтариб чопади, юртининг меҳри кўнглилар тубига улкан чинордек илдиз отади.

Ватанимиз иқболи қулган улғ кунларида бу қўшиқ баланд пардаларини савт билан янграйди. Юртининг кенгликларидан кўз очган азиз булоқлар эрқаланиб қатрадан уммонга дўнаётган лаҳзаларда миллият фарзандлари қалбига жилғайди сизиб қиради бу қўшиқ. Ўзбекининг толеига юлдуз қадагандек порлаб турган шараф ва ор-номус қўшиғи — шу Ватанимиз мадҳиясидир.

Ҳассос шоир Абдулла Ориповнинг соҳир қаламидан тўқилган ушбу сатрлар давлат мадҳияси дея эътироф этилди, машҳур композитор Мутал Бур-

хонов ушбу шеърга куй басталади. Кўнглилар тубида етилган меҳру ихлол тимсоли бўлган бу қўшиқ қарийб йигирма йилдирки, янграб келаётир. Бирор спортчининг музафариатидан сўнг ушбу қўшиқ янграганда, унинг елкасида ҳилпирлаётган юрт байроғидан юлдуз тўқилади гўё. Бу наво ана шундай сеҳрлар лаҳзалари кашф этади. Беихтиёр лабларингиз қимирлаб, қўшиққа ҳўр бўласиз:

Серқўён ҳур ўлкам, элга бахт, нажот,  
Сен ўзинг дўстларга йўлдош, меҳробон!  
Яшнагай то абад ялғу фан, яқод,  
Шўхратинг порласин токи бор жаҳон!..

Ана шундай барҳаётлик сезғиси тилимиздаги қўшиқдан юрагимиз кўрмага айланади кетади. Юртин бир улғу бешиққа қиёс этсак, бу қўшиқ баайни алла янглиг қуйланади. Ушбу сўзлар ва оҳанглар юрт узра худди покният турналардек учиб юради гўё. Унинг умрбоқийлиги сири шундаки, бу қўшиқ юракларимиздан учирма бўлгандир.

Шодмонқул САЛОМ

### ЭРКИН ВА ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

"Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида 7 декабрь кунини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунининг 19 йиллигига бағишланган тантанали йиллиги бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат арбоблари, фан, маданият ва санъат намояндалари, пойтахт жамоатчилиги, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатларнинг элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари иштирок этди.

Йиллигини Тошкан шаҳар ҳокими вазифасини бажарувчи Р.Усмонов очди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов тантанали йиллигида маъруза қилди.

Давлатимиз раҳбари юртимизда амалга оширилаётган изчил ислохотлар Конституциямиздаги тамойиллар ва қоидаларнинг амалдаги ифодаси эканини алоҳида таъкидлади. Биз танлаган йўл — бугун халқаро ҳамжамият томонидан тан олинган тараққиётнинг "Ўзбек модели"ни босқичма-босқич амалга ошириш жараёнида эришаётган барча ютуқларимиз, ҳаётимизга янгича мазмун бағишлаётган ислохотлар Конституциямиз қоидаларига тўла мосдир.

Бу йил Ватанимиз мустақиллигининг йигирма йиллигини кенг нишонладик. Халқимиз истиқлол йил-

ларида эришаётган бетимсол ютуқ-ҳоқими вазифасини бажарувчи Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган тамойиллар мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Зеро, Бош қонунимиз ўзининг мазмун-моҳияти билан инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, инсон ҳуқуқлари устуворлигини, тинчлик ва тотувлиқни таъминлаш каби юксак мақсадларга эришишни муҳим қафолатидир.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан 2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили деб эълон қилинган эди. Бу борада махсус давлат дастури ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилмоқда.

Мазкур дастур асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, қулай бизнес муҳитни яратиш,

жамиятимизда хусусий мулк аҳамиятини тубдан ошириш, иқтисодиётда давлатнинг аралашувини камайитишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар баҳарилди. Тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари тақомиллаштирилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бугун мамлакатимиз иқтисодиёти таянчи, халқимиз фаровонлигининг муҳим қафолатига айланди. Ички бозорни рақобатбардорш ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдирди, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини кўпайтиришда мазкур соҳанинг ўрни ва аҳамияти кундан-кунга ошиб бораётгани бунга мисолдир.

Президентимиз Ислам Каримов кириб келаётган янги — 2012 йили мамлакатимизда "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилиниши тақдир этди. Давлатимиз раҳбарининг бу тақдир йиллигилар томонидан гулдурос қарсақлар билан қўлаб-қувватланди.

Тантанали маросим санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг байрам концерти билан якунланди.

Ў.А.

### БИЗЛАР

Бизларни азалдан алқабган тақдир,  
Дориломон юртда — бир ажиб чоғлар...  
Кимлардир ҳовлисин айлар чўл-тақир,  
Бизлар ундиримиз саҳрода боғлар.

Ҳаёт тугаган йўқ батамом, буткул,  
Орзу-ҳаваси бор нисонга раҳмат!..  
Кимлардир эртасин гамин ер нукул,  
Бизлар тўй қилай деб чекамиз заҳмат.

Кимлардир дунёни этмоқ-чун барбод,  
Зимдан қабхуният касларини қўллар.  
Бизлар дўст дайдорин соғиниб бот-бот,  
Курамиз муҳташам кўриқлар, йўллар.

Кимлардир нафсинг гирдибодиди,  
Мудом сўз очади бойлиқдан, пулдан.  
Бизлар чўнг пойтахтнинг нақ меҳробиди  
Китобга қоша тиклаймиз улкан!

Миррўзат МИРЗО

Шеърлий ноҳза

Бундай ҳаракатларда совет империяси бўлиши собик Иттифоннинг пароканда бўлиши табиий-қонуний ва мантаний ҳол деб баҳоламаслик. Бунинг сабабини авваламбор бу тизимнинг сиёсий, иқтисодий, мафкуравий асосларининг ноқобиллигида кўрмаслик ҳолатлари яққол кўзга ташланмоқда.

Шу борада яна бир масалага ургу беришимиз зарур.

Бугунги замоннинг талаблари, тараққиёт суръатларини янада тезлаштириш вазифалари, биринчи навбатда, ҳали бери давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини енгиш зарурати интеграциялашув жараёнларини янада кенгайтириш каби ўткир масалаларни кун тартибига қўйиётганини биз яхши англаймиз. Яъни, давлатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий ва инвестицион алоқалар, то-вар алмасиш йўлидаги чегара ва боққона тўсиқларини олиб ташлаш ҳозирги кунда нақадар долзарб аҳамиятга эга эканини тасаввур қилиш қийин эмас.

Шу муносабат билан бир муҳим нарсидан доим сезгир бўлишимиз даркор. Яъни, интеграциялашув жараёнларини кўлаб, шу мақсадда турли давлатларо бирлашмаларни ташкил қилиш бўйича сўз юритилганда, айтиш кераки, бундай бирлашмалар вақти келганда тобора сиёсий тус олиб бориши ва бундай ҳолат билан аҳолининг бошқа ҳужжатлари мамлакатлар билан алоқалари ва ҳамкорлигига салбий таъсир ўтказиши мумкин.

Бу ҳақда гапирганда, мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида яқин ва ўрта истиқболга мўлжалланган, иқтисодий ва унинг ётқич тармоқлари тубдан модернизация ва диверсификация қилишга қаратилган замонавий юксак технологиялар ва инновацияларни жалб этиш дастурини амалга ошириш энг муҳим устувор йўналишидир.

Биз учун гоат муҳим бўлган бу масалани ҳал этиш йўлида ҳамкорлик қилишга тайёр бўлган барча шерикларимиз билан, уларнинг қарерада жойлашганидан қатъи назар, алоқаларимизни янада ривожлантириш ва мустақамлаш вазифаси айнан шу мақсадга бўйсундирилиши керак.

Бунинг учун биз бугун олиб бораётган, мамлакатимизда энг қулай инвестицион иқлимни ташкил қилишга, манфаатдор томонларга узоқ муддатли ва ишончли имтиёз ҳамда преференциялар беришга қаратилган сиёсатни давом эттиришга тайёрмиз. Бундай сиёсатни амалга ошириш учун киннинг рўхсатини олиш эмас, аввало, Ўзбекистонимиз манфаатини кўзда тутишимиз талаб қилинади.

Азиз юрдушларим, юқорида зикр этилган фикрларни умумлаштириб, айтмоқчимиз: тарихни асло орқага қайтариб бўлмайди. Бизнинг ҳалқимиз, кейинги йигирма йил давомида вояга етган нақвирон авлодимиз ҳозирги вақтда эртанги келажакимизга қатъи ишонч билан қарамокда ва ўз танлаб олган йўлидан ҳеч қачон — мен тақдор айтман — ҳеч қачон ортага қайтмайди.

Хурматли дўстлар! Бундан роппа-роса бир йил олдин Конституция кўнига бағишланган мажлисда мамлакатимизда одатта айланган анъанани давом эттириб, 2011 йилга "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб ном беришга қарор қилган эдик.

Жорий йилга айнан шундай ном беришни маъкул топганимизнинг асосий сабаб ва омиллари ҳақида жамоатчилик-гиз, ҳалқимиз яхши хабардор.

Ўнда қилиб айтадиган бўлсак, аввало, биз танлаган ва мақсад қилиб қўйган замонавий демократик давлат қуриш, ҳалқимизнинг ҳаёт даражасини муносиб босқичга кўтариш, бозор муносабатлари ва асосланган эркин иқтисодиётга ўтиш учун хусусий мулк устуворлигини тан олиш ҳисобидан тараққиётни мамлакатлар таърихисини инобатга олган ҳолда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш — юқорида зикр этилган мақсадларга эришишнинг узвий бир қисmidир.

Шуни таъкидлаш лозимки, Конституцияда муҳрлаб қўйилган мақсад,

# ИЖТИМОЙ ҲАЁТ

## БИЗНИНГ ЙЎЛИМИЗ - ДЕМОКРАТИК ИСЛОХОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИШ ЙЎЛИДИР

принцип ва қоидаларни амалга ошириш учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини изчил ривожлантириш масаласи биз мустақилликка эришган дастлабки даврдан бошлаб давлатимизнинг устувор вазифаси даражасига кўтарилгани барчамизга маълум.

Бундай сиёсатни, чуқур ўйланган ва узоқни кўзлаган дастурларни амалга ошириш натижасида бу соҳа юртимизда нафақат қайтадан шаклланди, балки унинг мустақам пойдевори яратилди. Энг муҳими, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз яқин ички махсулоти таркибиде ҳал қилувчи тармоққа, ижтимоий фаол аҳолимизнинг катта қисмини қамраб олган соҳага айланди. Ҳозирги вақтда — шунга ургу бериб айтмоқчиман — иш билан давом аҳолимизнинг 74 фоиздан ортиги айнан шу соҳада меҳнат қилаётгани бунинг яққол тасдиғидир.

Бугунги кунда дунё иқтисодиёти ва ҳалқаро бозор талаблари тез суръатлар билан ўзгариб бораётгани, уч йил олдин бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, кўзга кўринган кўнгина экспертларнинг прогнозлари бўйича яна давом этиши, янги тўфон ва зарбалар ўзи бериши мумкинлигини инобатга олади-ган бўлсак, бундай сиёсатларнинг олдин олиш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига янада катта эътибор бераётганимизнинг сабаби яққол аён бўлади.

Бунинг устига, бугун замоннинг ўзи, жаҳон бозориде рақобат гоат кескинлашди, авжга чиқётгани ва тобора шафқатсиз тус олаётгани кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг амалий ҳаёти-мизда янада кенг ўрин эгаллашди, бу соҳа учун янги имконият, имтиёз ва преференциялар яратиб бериш ва унинг ривожини янги босқичга кўтариш масалалари мутлақо бошқача маъно-мазмун топишини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Шу нуқтаи назардан қараганда, аҳолимизни иш билан таъминлаш, унинг даромадларини янада ошириш, қисқача айтганда, барқарор ҳаётимизни янада мустақамлашдек ўта долзарб масалаларни ҳал қилишда алоҳида ўрин эгаллаб бораётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига янги туртки бериш, бу соҳа олдида турган тўсиқларни бартафос қилиш бугунги ва эртанги кунимиз учун нечоғли катта аҳамиятга эга экани тўғрисида гапириб ортиқча, деб ўйлайман.

Айни шундай мураккаб муаммоларнинг ечимини топиш ҳақида бош қотирар эканмиз, 2011 йилга "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили", деб ном берганимиз нақадар долзарб эканини ва бу йўналишда яқин ва узоқ келажакимизда, ҳеч шубҳасиз, ҳал қилувчи ўрин эгаллашга амин бўлишимиз табиийдир.

Энди жорий йилда бу соҳада амалга оширган ишларимиз ҳақида қисқача гаплашиб олишни ўринли, деб биламан. Ҳаммамиз тушунамизки, йил якуни билан бу йўналишда қабул қилган дастуримизнинг ижроси ҳақида, бу масалага дахлдор бўлган давлат идоралари, ижтимоий ва нодавлат ташкилотлар шу борада қандай ҳисса қўшганлари ва бу соҳада биз нималарга эришаётганимиз ҳақида атрофлида ҳулоса чиқариш вақти келади, албатта.

Мен, бугунги фурсатдан фойдаланиб, сизларнинг рўхсатингиз билан бу масалани фақат икки йўналишга эътибор қаратишни зарур деб ҳисоблайман. Яъни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси тараққиётининг суръат ва самарадорлигини янада ошириш мақсадида қабул қилинган қўрунлар, фармон ва қарорлар асосида берилган янги имтиёз ва преференциялар, қўлайликлар, бир сўз билан айтганда, бу йўналишни янги босқичга кўтариш бўйича қилинган амалий ишлар ҳақида ва бу тадбирлар

туфайли эришган натижаларимиз тўғрисида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман. Бу ҳақда гапирганда, аввало, кичик бизнес субъектларини улар давлат рўйхати олинган пайтдан бошлаб дастлабки режалар солиқ теқширувларидан ўтказмаслик муддати 2 йилдан 3 йилга узайтирилгани, барқарор ўсиш суръатлари ва рентабеллигини таъминлаган субъектларни теқширишдан ўтказиш мутлақо тақиқланганини қайд этиш лозим.

Шулар қаторида давлат ва назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари молия-ҳўжалик фаолиятига аралашувини кескин қисқартириш масаласи йил давомида доимий эътиборимиз марказида бўлганини қўп мисолларда кўриш мумкин. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкаси 7 фоиздан 6 фоизга туширилгани, янги ташкил этилаётган кичик корхоналарни рўйхатдан ўтказиш пайтидаги ва ундан кейинги тартиб-қоидаларни янада соддалаштириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар бу борада муҳим аҳамият касб этганини таъкидлаш ўринлидир.

Айтиш кераки, бугунги кунда ўз хусусий ишини очмоқчи бўлган тадбиркорлар 2 кун давомида тегишли рўхсат олиш имкониятига эга бўлиб, бу муддат ривожланган давлатлардаги маъжуд мезонларга ҳар томонлама мос келади. Энг муҳими, тегишли ташкилотга бориб, эшикмасиқ юришга бўлишлар бариб берилиб, "битта дарча" тамойили жорий этилгани кўпчилик тадбиркорлар учун айни муддао бўлмоқда.

Шу билан бирга, кичик бизнес субъектларини давлат харидлари қенг жалб этиш механизми йўлга қўйилиб, бу ишлар Ўзбекистон товар-хомашё биржасида электрон савдолар орқали олиб борилаётгани алоҳида эътиборга сазовордир. Кичик бизнес субъектлари ишлаб чиқараётган махсулотларини сотиш ҳажми ўтган давр мубайнида қарийб 2 баробар кўпайиб, 600 миллиард сўмини ташкил этгани, зарур хомашё ресурсларини қўшиб ҳисоблаганда, бу кўрсаткич 2 триллион 800 миллиард сўмдан ошгани ана шундай тадбирлар натижасидир. Яна шунини қайд этиш лозимки, айни шу механизмининг тадбиқ этганимиз туфайли 13 миллиард сўмдан ортиқ бюджет маблағини тежашга эришилди.

Бугунги кунда биз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда фақат савдо-сотик, майда хўнрамандчилик билан чекланиб қолмасдан, биринчи навбатда замонавий технология ва асбоб-ускуналар асосида саноят махсулотлари ишлаб чиқариладиган, ички ва ташқи бозордаги ўзгаришларга тез мослашадиган хусусий тадбиркорлик соҳасини тараққиёт этиришга алоҳида аҳамият бериш керак.

Жорий йилнинг 9 ойи давомида тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 3 триллион 200 миллиард сўм микдорида кредит ажратилиб, уларнинг учдан бир қисmidан қароғли қомағоний асбоб-ускуналар харид қилиш учун берилгани айниқса эътиборлидир.

Ана шу давр, яъни жорий йилнинг 9 ойи давомида ушбу йўналишда қарийб 100 миллион АҚШ доллари микдориде маблағ ўзлаштирилганининг ўзи бугунги кунда кичик бизнеснинг салоҳияти ва қиёфаси тобора ўзгариб бораётганининг далилидир.

Шу борада амалга оширилган чора-тадбирлар туфайли кичик корхоналарнинг экспорт ҳажми 2011 йилнинг ўзиде 2 миллиард АҚШ долларидан ошиши, уларнинг яқли экспортдаги улуши эса 16,3 фоизга етиши кутилмоқда.

Бундай салмоқли қўрсаткичларни аввало барқарор соҳани замонавий ускуна ва технологиялар билан жиҳозлаш, ушбу

тармоқда меҳнат қилаётган ишчи-муҳандисларнинг малакаси, кичик бизнес ва хусусий корхона эгаларининг ишбилармонлик маҳорати тобора ошиб бораётганининг ёрқин намоёни сифатида қабул қилиш ўринли бўлади.

Мазкур соҳанинг ривожланиши билан ҳаммабас босқич бўлган муҳим масалалардан яна бири — бу жорий йилда юртимизда яратилган қарийб 1 миллионга яқин иш ўринининг 610 мингдан зиёди ёки 64 фоизи айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳисобидан ташкил этилгани, ҳеч шубҳасиз, бу тармоқ, тақдор айтаман. Ўзбекистон учун энг долзарб масалалардан бири бўлиши аҳолини иш билан банд қилишда етаци ўрин эгаллаб бораётганининг яққол тасдиғидир.

Ўтиб бораётган йилда амалга оширилган бундай кенг қўламли ишлар ҳақидаги фикрларни яна давом эттириш мумкин. Буларнинг амалий натижаси сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакатимиз яқин ички махсулотидаги улуши ҳозирги вақтда — шунга алоҳида эътибор беришимизни сўрайман — 54 фоизни ташкил этишининг ўзи, ўйлайманки, қўп нарсани аниқлади.

Азиз юрдушлар! Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакатимиз тараққиётини, аввало, барқарор, ҳалқимиз учун муносиб ҳаёт барпо этиш, олдимизда турган мураккаб ва масъулиятли вазифаларни амалга ошириш борасида қандай ҳал қилувчи ўрин ва таъсирга эга бўлиб бораётганига бугун амалий ҳаётимизда қар қадам да гувоҳ бўлмоқчимиз. Ва бу соҳа эртанги кунимиз, истиқболимизнинг хақиқатан ҳам мустақам пойдевориға айланиб, янада ривожланиб бориши аниқ ва муқаррардир.

Табиийки, Ўзбекистонимизда мазкур соҳанинг ривожланиши учун астойдил ҳаракат қилаётган барча бизнес эгалари, шу тармоқда ўрнини топиб, ўз оиласи учун муносиб яшаш шароитини яратадиган, фаровон ҳаёт сари қадам қўйётган инсонлар айни шу йўлдан ҳеч қачон қайтмайди, десам, ўйлайманки, барчангиз бу фикрга қўшилисиз.

Шу борада яна бир муҳим ҳулоса. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожидан манфаатдор бўлган мулк эгалари, жамятиямизнинг сунъани ва таъриғига айлиниб бораётган, тартиб сифи деб ном олган бу ижтимоий қатлам ўз уйи, ўз мулкунини ҳимоя қилиш, бунинг учун юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустақамлашнинг қанчалик муҳим эканини ҳар томонлама англаб, ҳал қилувчи кун сифатида майдонга чиқиши эртанги кунимизнинг янада ёруғ бўлишига ишонч бағишлайди.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу соҳада фаолият юритаётган, ўзини шу замин, шу дийёрнинг чинакам тинчлик ва деб биланган, ҳаётимизда тинчлик ва осийшталлик, аҳиллик ва ҳамжихатликни сақлашга улкан ҳисса қўшиб келаётган барча инсонларга чин қалбимдан самимий хурматини билдириш ва уларга янги-янги омадлар тилашни ўзим учун ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан.

Мухтарам ватандошлар! Энди сизлар билан кириб келаётган янги — 2012 йилга ном бериш ҳақида фикр алмашиб, бир қарорга келишимиз лозим.

Аввало, ҳар қайси йилга ном беришдан асосий мақсад — бутун ҳалқимиз, жамятиямизнинг орзу-ният ва интилишларини ифода этадиган, эртанги кунимизнинг раванқига хизмат қиладиган энг устувор йўналишни аниқ белгилаб олиш ва уни амалга ошириш учун бор қуч ва имкониятларимизни сафарбар этишдан иборат эканини яна бир бор англаб олишимизни истардим.

Албатта, ижтимоий ҳаётимизда бар-биридан муҳим, бир-биридан зарур ва

вазифалар қўпчилигини ҳаммамиз яхши тушунамиз. Шулар қаторида бугунги кунда энг долзарб, эл-юртимиз, аввало, инсон манфаатларини биринчи ўринга қўядиган ҳар томонлама муҳим йўналишни аниқлаб олиш бу борада алоҳида аҳамиятга эга.

Ҳеч қачон сир эмас, бу дунёда ҳар қайси инсон вояга етиб, касб-хўнарга эга бўлиб, ҳаётда ўз ўрни ва келажакни аниқлаб, оила қуришни истайди.

Онгли яшайдиган ҳар бир одам яхши англайдики, бу ёруғ оламда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, ҳаёт абадийлиги, бебаҳо наъма бўлиши фарзанд бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳақиқат келажакни ўйлаб, эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди.

Бугунги кунда биз ҳеч кимдан кам бўлмайдиган демократик давлат, ҳалқимиз учун озода ва фаровон ҳаёт қуриш мақсадлари билан яшар эканмиз, оила институтини янада мустақамлаш, бу борада олиб бораётган ишларимизни янги босқичга кўтариш алоҳида аҳамият касб этади.

Буларнинг барчасини инобатга олган ҳолда, сизларнинг рўхсатингиз билан, кириб келаётган янги — 2012 йилга юртимизда "Мустақам оила йили" деб ном беришни тақлиф етман.

Янги йилга мана шундай ном беришимиз, азал-азалдан ҳалқимиз учун муқаддас бўлиши оилани ҳаётимиз таъничи ва сунъани, жамятиямизнинг ҳал қилувчи асосий бўғини деб қабул қилишимиз замирида, ҳеч шубҳасиз, жуда катта маъно-моҳият муҳасам. Чунки, оила соғлом экан — жамяят мустақам, жамяят мустақам экан — мамлакат барқарор. Буни исботлаб, тасдиқлаб беришимиз ҳеч қандай ҳолати йўқ.

2012 йилга "Мустақам оила йили" деб ном беришимиз муносабати билан давлат идоралари, нодавлат ва ижтимоий ташкилотлар, хайрия жағмаралари билан биргаликда ишлаб чиқиш қабул қилинадиган дастурда айни шундай эзгу тушуғча, орзу-интилишларимиз ўз ифодасини топиши лозим.

Бу ҳақда гапирганда, аввало, мамлакатимизда оила институтини ривожлантириш ва тақомиллаштириш бўйича янги-янги қадам қилинадиган қонун, қоида ва нормаларда бугунги ва эртанги кунимизнинг талаблари акс этиши, амалдаги қонун ҳужжатлари зарур ўзгариш ва қўшимчалар киритиши, бу масалага жамятиямизнинг эътиборини янада кучайтириш кўзда тутилаётганини таъкидлаш керак.

Иккинчидан, барчамиз яхши тушунамиз, мустақам оила ва бахтли турмуш аввало барқарор оила қурадиган ёшларнинг ўзига. Уларнинг ақл-заковати, маънавий фаилатлариға, оила, жамяят олдидаги ўз бурчи ва масъулиятини чуқур англаб етишига боғлиқ.

Бу ҳақиқатни ҳеч ким инкор этолмайди. Лекин, энди пайдо бўлган, катта умид билан ҳаётга қадам қўйётган ёш оилани моддий ва маънавий жиҳатдан кенг қўлаб-қувватлаш, уларга қўлим, имтиёз ва имкониятлар яратиб бериш, аввало, ўй-жой билан таъминлаш — буларнинг барчаси учун нафақат ота-оналар, биринчи навбатда давлат ва жамятиямиз масъулдир, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Албатта, бугунги кунда юртимизда ёш оилаларга қўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик ҳақида қўп гапириб мумкин. Шу билан бирга, ҳолисона тан олишимиз даркор — ана шундай саъй-ҳаракатларимиз энг изчил давом эттириш, қаерда бўлмасин, марказда, шаҳар ёки қишлоқ жойларда бўладими, эзгу мақсадларимизнинг ҳар томонлама тасдиғини қўриш учун ҳали жуда кўп ишларни амалга оширишимиз керак.

Шу ҳақда гапирар эканмиз, бу масъулиятли вазифаларни муваффақиятли

адо этиш биринчи навбатда давлат идораларининг раҳбарлари, кенг жамоатчиликнинг, турли ижтимоий тузилмаларнинг ташаббуси ва амалий ҳаракатлариға боғлиқ экани барчамизга аён бўлиши даркор.

Учинчидан, "мустақам оила" деган гоининг ҳаётимиздаги амалий ифодасини кўришда, ҳеч шубҳасиз, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораси сифатида ном қозонган маҳалла тизимининг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Бунинг исботини бугун ҳар қадамда қўраётганимизни таъкидлаб ўтишни истардим.

Ҳақиқатан ҳам, бундай ноёб ижтимоий тузилма ҳозирги кунда "Маҳалла — ҳалқ виждони" деган юксак таърифга ҳар тарафлама муносиб бўлиб бормоқда. Айниқса, ёш оилани ҳаётининг турли тўфонларидан асраш, унинг мустақам оёққа туриб олиши учун елкашад бўлиш, бу борада зарур қўмақ, маънавий қўрсатишда маҳалланинги роли ва аҳамиятини ҳеч нарса билан қийслаб бўлмайди.

Ўйлайманки, қабул қилинадиган дастурда маҳалла идорасининг жамятиямиздаги, қўндалик ҳаётимиздаги моҳиятини кенгайтириш ва нуфузини янада ошириш масалаларига алоҳида аҳамият бериш ўринлидир.

Тўртинчидан, оилани янада мустақамлаш ҳақида сўз юритар эканмиз, мен бу масаланинг яна бир муҳим жиҳатиға эътиборингизни қаратмоқчиман. Оила олдида турган вазифаларни ҳар томонлама амалга ошириш — аввало барқарор, моддий, маънавий, бугун ўта долзарб бўлиб бораётган тарбиявий муаммоларни енчиш, оиланинги барча-барча ташвишларини осонлаштириш каби муҳим масалаларни ҳал этиш билан боғлиқ эканини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Айнан ана шундай масалаларни ҳал этиш ҳар қайси оиланинги юқини ҳеч номиласдан, ҳаётга шукрона қилиб, ўз елкашда кўтариб келаётган, оила қўрсонининг ҳам чиройи, ҳам қаробонини бўлган аёл эътиборини, опа-сингилларимизнинг оғирини енгиш қилиш билан баробар эканини эсимиздан чиқармаслигимизни истардим. Ана шундай муҳим вазифаларни амалга ошириш учун дастурда аниқ чора-тадбирлар кўзда тутилиши зарур.

Бешинчидан, биз маънавий ҳаётимизни юксалтиришда, жамятиямизда энг инсоний фаилатларини кенг қарор топтиришда, тобора кучайиб бораётган, бизнинг миллий табиатимиз, урф-одатларимизга мутлақо зид бўлган ҳар қандай зарарли таъсирлар, бузғунчи гоғларга қарши туришда, азалий қадриятларимизни асраб-авайлашда оилани мустақам таъин деб биламиз.

Шу борада ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан етук, ўз мустақил фикрига, оқин қорадан ажратилишга, тараққиётган давлатлардаги тенгдошлари билан беллашишга қодир бўлган барқарор авлодин тарбиялаш, уларнинг соғлигини асраш, ҳаётга йўллашда оиланинги ўрнини ҳеч нарса билан баҳолаб бўлмаслигини биз юксак қадрайимиз.

Шу маънода, оила институтининг таълим-тарбия соҳаси билан — бу болалар боғчаси ёки мактаб бўладими, лицей-коллеклар ёки олий ўқув юртилари бўладими — ана шундай муассасалар билан амалий ҳамкорлигини янада кучайтириш вазифалари дастурда муҳим жой эгаллаш зарур.

Азиз ватандошларим, кадрдонларим! Биз янги йилда ўз олдимизга мана шундай олижаноб мақсад ва вазифаларни қўяр эканмиз, бундай интилишларимизни амалга ошириш учун давлат ва ҳоқимият идоралари, маҳалла, хотин-қизлар ва ёшлар ташкилотлари, кенг жамоатчилик, бугун ҳалқимиз бир ёқадан бош чиқариб, фаол иштирок этади, деб ишонаман.

Биз бугун қандай оғир ва мураккаб, таҳликали бир замонда яшаётганимиз, ўйлайманки, ҳеч кимга сир эмас. Лекин, биз танлаган йўл қандай қўйин ва машаққатли бўлмасин, мен ишонч билан тақдор айтман — биз бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз ва ўз мақсад-муродимизга албатта етамиз.

Айни шу йўлда Яратганимизнинг ўзи эл-юртимизни ёмон қўлардан асрасин, эзгу орзу-ниятларимизни рўёбга чиқаришда ўзи мададкор бўлсин.

## ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

**Президентимиз Ислам Каримов 7 декабр кўни Ўзбекистонда бир гуруҳ юрдушларига Ватанимизнинг юксак мукофотларини топширди**

Энг улуг ва энг азиз байрамимиз — Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида Президентимиз Ислам Каримовнинг фармонлариға мувофиқ юртимиз тараққиётига катта ҳисса қўшган, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, эл-юртимиз тинчлиги ва осийишталлигини янада мустақамлашда ўрнат ва намуна қўрсатган, жамятиямизнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник ва маънавий-маърифий ҳаётда алоҳида эътиборга сазовор бўлган бир гуруҳ юрдушларимиз давлат мукофотлари — фахрий унвон, орден ва медаллар билан тақдирланган эди.

Оқсарой қоргоғида 7 декабр кўни ана шу юксак мукофотларни тантанали топшириш маросими бўлди.

— Конституциямиз байрами арафасида ўз фидокорона ва ибратли меҳнати билан давлатимизнинг юксак мукофотлариға сазовор бўлган сиз, азизларим чин қалбимдан табриқлаб, шу мукофотларни топшириш мен учун катта шарафдир, — деди Ислам Каримов. — Бугун сизлар самимий куллар эканмиз, сизнинг тисмонингизда Ватанимизнинг тараққиёти ва раванқи, куч-қудратини ошириш, унинг ҳалқаро майдонда оғру-ёйиришнинг юксалтириш, тинчлик-осойишталикни сақлаш ва мустақамлаш йўлида, бир сўз билан айтганда, қўп қирра-

ли ҳаётимизнинг турли тармоқларида ўзининг ҳалол ва самарали меҳнати билан ўрнат бўлиб келадиган, истеъдоди, илмий ва ижодий фаолияти билан мамлакатимизда ном қозонган давлат мукофотлари билан тақдирланган барча ватандошларимизни ҳам гоийбона барчимга босиб мурабабод этгандай ўзини ҳис қилсаман.

Бу мукофотларнинг сиз, азиз юрдушларимизга Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллик кулугу тўйи кенг нишонланган йилда топширилаётганининг ўзи бугунги тантанамизни барчангиз учун унутилмас воқеаға айлантиради.

Мамлакатимизнинг охириги йилларда юксак суръатлар ва дадил қадамлар билан ўз олдида турган эзгу мақ

Алишер Навоий асарларини мутолаа этар эканми, унда бугунги ҳаётимиздаги ҳар қандай муаммонинг маънавий ечимини қўришимиз мумкин. Шу маънода, улуг шоир ижодиёти ҳақиқий маънавият қомусидир. Навоий мулоҳазаларини воқеий ҳаёт манзаралари билан қиёсан мушоҳада этарканми, беихтиёр қанийди улуг мутафаккир асарлари, улардаги ҳикматомуз фикр-ғоялар ёшларимизга доимий ҳамроҳ бўлса, деган истак тугилади кўнглимизда. Айниқса, "Маҳбуб ул-қулуб"даги панду насихатлар, танбеҳу ҳикоят ривоятларнинг турган-битгани маънавият малҳаматларидир. Шунинг учун ҳам Навоийнинг ушбу нодир асарни "Маҳбуб ул-қулуб", яъни "Кўнглиларнинг севгани" деб атаганида ажойиб ҳикмат бор. Асардаги ҳар бир ҳаётли лаҳза, ҳар бир тоифаю табақанинг руҳияти, қиёфаси, маънавий олами тасвири ҳамда у орқали мутафаккир берадиган сабоқ кўнглиларга маҳбуб бўлади, ҳаётий мушкулотларимизга қушойиш бахш этади.

Хусусан, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнларида бундай маънавият малҳаматлари жуда асқотади. Янги тизим қонуниятлари, ўз-ўзидан, жамиятда мулкдорлик руҳиятини шакллантириши тақозо этади. Ҳўш, унда эҳсонлиқ қиёфасини белгилочи табақа қимлар бўлади? Замонавий ёшларимизнинг маънавий қиёфаси, ахлоқи, маданияти қандай шаклланади? Табиийки, янги бозор иқтисодиёти шариоатларида ёшларимиз маънавий-ахлоқий қиёфасини мусаффо сақлаш, уларда маънавий баркамоллик муҳассамлашган мулкдорлик маданиятини шакллантириш долзарб масала. Бозор иқтисодиёти тизими мулкдорлар жамияти тарафдори экан, замонамиз қаҳрамони, у қайси соҳа ва касбга эгаллигидан қатъи назар, мулкдорлар тоифасига мансуб бўлиши қонуний ҳолдир. Мана шу ўринда Навоий сабоқларига зарурят сезилади. Яъни, бозор иқтисодиёти тизимиде шаклланиётган фуқаролик жамияти маънавий баркамол инсонлардан таркиб топиши, бошқарувдаги давлат хизматчилари эса маънавий камил инсонлар бўлиши тақозо этилади. Бундай сифат даражасига эришиш учун эса Навоий ўғитлари сув билан ҳаводек зарур. "Маҳбуб ул-қулуб" асарининг "Тижорат аҳли зикрида", "Шаҳарда олиб сотқувчилар зикрида", "Бозор қосиблари зикрида", "Деҳқонлик зикрида", "Ғариб ва бенаволар зикрида", "Мубрим ғадолар зикрида" каби фаслларда ҳақиқий савдогар ким устумон олибсотар ким, бунёдкор деҳқон маънавиятининг моҳияти нимадан иборату бекорчи боқимандалар ҳамда хатти-ҳаракати хирсу тамага чулганган гадоларнинг боқибегамлиги жонқуярлик билан ёритилган. Навоий наздида чинакам савдогар дунё кезади ва ўз юртида ноёб бўлган бойликларни муҳайё қилади. Халқ бундай жаҳонгашта савдогарнинг нафақат олиб келган молларидан, балки унинг тужорлик сарғузаштларидан сўзлайдиган этти: икким ажойиботлари ва дунё ғаройиботларидан ҳам тинглаб баҳраманд бўлади.

Савдогарнинг иши жуда оғир, кези келганда, у дунёнинг молу мулки учун жонининг роҳатидан, ҳар қандай орому оройдидан кенди, бироқ мақсад-муддаосига эришади. Навоий таъбири билан айтганда: "Бир юз бўлурдин бошида минг савдо, бўзи катон бўлурдин кўнглида неча таманно". "Мундоқ кишининг мақсуди тамом асиг бўлмаса ва бу асиг хусули учун ранжи қаттиг бўлмаса, савдо учун тенгизга кема сурмаса, дур учун наҳан қонига қадам урмаса" бири икки бўлмайди. Унинг касби кори баракали, айна пайтда жуда хатарли. Фақат жисмоний омонлик ҳижатидангина эмас, балки маънавий камиллик нуктаи назаридан ҳам таҳликали. Агар у мулкдорлик руҳиятига берилиб кетса, нафсу ҳавасга ружу қўйса, беихтиёр маънавиятини мулқига қурбон қилади. "Молини азиз асраб, ўзини хор этган" бундай қилишлар ҳамма замонларда мавжуд. Навоий бундайларнинг таъбиригини назмда шундай келтиради:

Мундоқ кишида йўқ хирал ва ҳўшини нишон,  
Билгил гадо агарчи эрур хожаи жаҳон.

Яъни, у бой-бадавлатликда жаҳон хожаи мартабасида бўлса-да, маънан бир гадо аҳолидадир. Бу — бизнинг замонашорларимиз учун жуда таъсирчан сабоқ. Жамиятимизда мулкдорлик руҳияти шаклланимда. Мулкдорлар қанча кўпайса, давлат ва жамиятимиз шунчалик бой-ийди. Бироқ мулкдорлик руҳияти бошқача тушунча. Навоий байтида тасвирланганидек, ақл-ҳўшидан нишон қолмаслик даражасида мол-

лик руҳияти шаклланимда. Мулкдорлар қанча кўпайса, давлат ва жамиятимиз шунчалик бой-ийди. Бироқ мулкдорлик руҳияти бошқача тушунча. Навоий байтида тасвирланганидек, ақл-ҳўшидан нишон қолмаслик даражасида мол-

**Алишер Навоий — 570**

муллка хирсу ҳавас боғлаш мулкдорни мулкпарастга айлантириб қўйди ва уни маънавий таъназулга тортади. Демак, бу борда ҳам меъёри ақл-фаросат билан илғаш муҳимдир.

Бозорда нарху навои сунъий равишда кўтариб, халққа жабр-зулм ўтказувчи худбин, тўймас, ноинсоф олибсотарлар тоифасини Навоий жуда ҳаётий тасвирлайди: "Элга зиён анинг суди, ўнғой олиб, оғир сотмоқ анинг мақсуди. Олурда катонни бўз деб, сотарда бўз васфиди катондин ортуғ юз сўз деб. Шолни тўрқа ўрнига ўтқара олур бўлса, таъсир йўқ, бўрени зарбафт ерида сота олур бўлса, таъсир йўқ. Дўконда барча мато мавжуд, ғайри инсоф". Дўконда инсофдан бошқа ҳамма нарса муҳайё бўлган бундай қимсалар тўғрисида Навоий қуйдагича сабоқ чиқаради:

Бу хайл одам эмаслар, яхши боқсанг,  
Эрур судинг алардин гар йироқсанг.

Навоий инсофсизларни "одам эмас" деяпти. Демак, инсоф ҳам одамийликнинг марказий

**МУЛҚДОР МАЪНАВИЯТИ**

моляридан бири экан. Мутафаккирнинг "Одам эрсанг, демагил одами, Оники, йўқ халқ гамадин гами", яъни халқнинг гамадин гами бўлмаганларни одам деб ҳисоблагани мазмунидаги шохбайтидан келиб чиқса, олибсотар халқни умуман ўйламайдиган, фақат ўз фойдасини кўзлайдиган худбалар бир кимса. Бироқ Навоийнинг олибсотарлардан йироқлашсанг, наф топасан, деган маслаҳатига амал қилишнинг илоҳи бормикми? Негаки, меҳнаткаш халойиқ бозорга тулиши билан уларнинг домига дучор бўлади ва не машаққатлар эвазига топган-тутганини ўз иктиври билан уларнинг қўларига қўш қўлаб топширади. Тижорчилик воситаларини улар белгиланган нархда олишга мажбур бўлади.

Халқимиз инсоф масаласида "Теша бўлма, арра бўл", деган нақли ишлатади, яъни инсофсизни тешага, инсофлини эса аррага ўхшатади. Чунки теша пўстлоқни фақат ўзи томонга чопиб олади, арра бўлса ишлаганида қилиқни ҳам ўзи томонга тортади, ҳам бошқаларга сочди. Навоий ҳам ҳақиқий савдогар аррадек савдосидан ҳам ўзи баҳраманд бўлса, ҳам бошқаларни баҳраманд этса, мақсадга мувофиқ бўлади, деган фикрни баён этади.

Бозордаги толамачи қосибларнинг фельдаторини Навоий шундай тасвирлайди: "Бозорда савдогар қосиб — Тенгрига хоин ва ваъдага қосиб. Бирга арзирини юзга сотмоқдин аларга минг мубохот, мингга тегарни юзга олмоқдин аларга йўқ бир зарра ўт. Ростлик била савдо аларга зиёнкорлик ва ваъдага вафо аларга бадкирдорлик".

Жамиятда ўзини ғариб гурабо кўрсатадиган тоифалар ҳам мавжудки, улар жамиятдаги соғлом маънавий муҳитга раҳна солиб юрадидилар. Улар меҳнат қилиб, риёзат тортиб, маданияти турмуш кечиришга ҳаракат қилмайдилар. Енгилнинг остидан, оғирнинг устидан юриб, текинтомоллик билан кун қўриш, топганини боқибегамлик билан сарфлаш, ҳўрандалик руҳияти уларда устувор. Навоий уларнинг маънавий қиёфасини бундай тасвирлайди: "Букун топқонни еб, тонгла гамин емай, тилаб нима бермагандин шикоят сўзин демай. Ватан ва масканлари хорлиг вайронаси, манзил ва маъманлари хоксорлиг қошонаси. Тонг отқоч, эр ва хотуни касб учун тарқашиб, ўғул ва қизлари қўй ва кўчада бутрашиб. Ҳар қайси ҳар неким ҳосил қилиб, оқшом барча бир ерга йиғилиб, топқонларини тугатмагунча уйку майли қилмай, тонгла не егумизди, демак сўзин билмай". Бозор иқтисодиёти бундай танбалтабиат турмуш тарзини кўтармайди. У тиним-

сиз ҳаракат, кўшиш ва интилишни тақозо этади. Баракат эса ҳаракатдадир.

Кўчадаги тиланчи ва гадолар ҳам жамиятдаги мусоффо манзара ҳамда маънавий муҳитни булгайди. Уларнинг кўнчилиги аслида муҳтож ва ночор кишилар эмас. Ўзига текин пул топиши касб қилган, меҳнатдан қочган қимсалардир. Ҳаётда етмиш ва саксон ёшларида ҳам тиним билмаётган, ё тadbиркорлик, ё деҳқончилик, ё ҳўнармандлик, ё чорвачилик билан халол пул топаётган, фарзанду неварою чевараларига бош бўлаётган, эркин бозор иқтисодиёти замони келганидан қувониб, шўқроналик туйиб, мол-давлатгина ортириб қолмасдан, қўлаётган ишларидан завқ топаётган отахон ва онахонларни кўплаг учратиш мумкин. Айна пайтда, одамлар қўлга қўз тикиб, эшикма-эшик юриб тинч аҳолини безовта қўлаётган айрим қимсалар ҳам бор. Уларнинг фельдаторини юқоридеги пири бундавал қариялар билан қиёслаб, ўзларига шундай касбини раво кўрганларига ҳайрон қолсанг, киши. Навоий бундай тоифадан ҳазар қилиб ёзади: "Тиланчи ва гадо кўпраги бегайрат ва беҳаё. Кундуз кезмақлари ибром била элдин олма олмақ учун, кеча келиб ўғурларга эл жиҳоти кўз солмоқ учун. Не неъмат олиб муҳимдин шокир, не инъом топиб муқрим узрига тиллари зокир". Навоий айтмиш, улар меҳнатсиз даромад топишга уринадилар, топганларига қаноат ва шўқур қилмайдилар, раҳм-шафқат ва ҳўммат кўрсатган кишиларга нисбатан узрхолик ҳамда дуода бўлмайдилар. Хирсу тамалари тобора баҳилликка айланади. Орттирган неъматларининг ҳузурини ўзлари ҳам кўрмайдилар, ўзгаларни ҳам баҳраманд этмайдилар. Роҳатни ё ювғучи ёки тупроқ кўради: "Ҳар дирамки туғуб, ғассолдин ўзга киши очмоқ маҳол, ҳар сийқим кўмуб, туфроғдин ўзга биров ани емакка йўқ эҳтимол".

Алишер Навоий меҳнат аҳлини севади, қадрлайди ва улуглайди. Бунёдкорлик, яратувчилик иши билан ёнган, эвазига ўзи ҳам бойлик ортириб, элнинг ҳам тўқ-фаровонлигини таъминлайдиган деҳқонларни ўзгача муҳаббат билан тасвирлайди: "Деҳқонки, донга сочар, ерни ёрмоқ била ризқ йўлин очар... Деҳқонки, тузлук била донга сочар, ҳақ бирига етти юз эшигин очар. Соққон донга кўклар-гунча, ўруб хирмон қилиб, маҳсулин кўтаргунча қурту қуш андин баҳраманд ва дашт ваҳши анинг била хурсанд. Мўрлар уйи андин обод ва гўрлар хотири анинг била шод. Кабутарларга андин мастлиг, тўрғайларга андин нишотга ҳамдастлиг. Уроқчига андин рўзи, бошқонининг ёруб андин кўзи". Деҳқоннинг биргина донга сочиши, яъни экин экиш фаолиятидан кечкис нафааат унади, унинг богдорчилик ва бошқа қолган ишлари таъбир-таъсифга сиймайди, дейди Навоий. Унинг фикрича, деҳқончилик давлат ва жамият бойлиги, тўқлиги ҳамда фаровонлигининг асосий манбаидир.

Бозор иқтисодиёти маънавияти ҳам навоиёна адалотли бозорларни тақозо этади. Навоийнинг ўзи маърифатли мулкдор бўлган ва маърифатли мулкдорликни ёқлайди. Агар ёш тadbиркор маънан баркамол, кўзи тўқ, саҳоватли, олиёҳиммат бўлмаса, нафси унга голиб келади. Бойлик ортиришининг эса чек-чегараси йўқ. Оқибатда, бундай мулкдорлик маънавий инқирозга олиб боради. Навоий эл шод, мамлакат обод бўлишининг асосий шартини катта бадийий жасорат билан намойиш этган:

То хирсу ҳавас хирман барбод ўлмас,  
То нафсу ҳавас қисм барфодот ўлмас,  
То зулму ситам жонига бедод ўлмас,  
Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас.

Англашладикки, жамиятда мулкдорлик руҳиятини шакллантиришда Навоий асарларининг тарбиявий-таълимий аҳамияти беқиёсдир. Улуг мутафаккирнинг ўзи йирик мулкдор бўлиш баробарида, ўзидек мард, танти, ҳимматли, саҳоватли, маърифатли мулкдорлик тарафдоридир. Демак, бўлғуси мулкдорларни маънавий камол топтириш учун уларнинг маънавий-руҳий оламидан хирсу ҳавас, нафсу ҳаво каби бузғунчи тамойилларни барҳам топтириш, зулму ситамнинг жон таслим этишига эришиш зарур экан. Шундагина, Навоий орзу этганидек, жамиятда маънавий баркамол мулкдорлар синфи шаклланади, эл шод, мамлакат обод бўлади.

Нусратулло ЖУМАҲУЖА  
филология фанлари доктори

**ЗУККО ОЛИМ,  
ЧИН ЗИЁЛИ**

Маҳоратли мунаққид юксак мақомдаги бадий асарни таҳлил этаркан, бу жараён поёнига етганда том маънода мустақил асар дунёга келади. Бу асар теран мазмуни, ҳасос овози билан таҳлил қилинган асар ҳаётига ёндош ўз ҳаётини бошлайди. Янгидан-янги маънавият, бадиият манзилларини ишғол этишга киришади, замонлар, маконлар ошади. Ўз овозига эга мунаққид маҳорат билан ёзган адабий танқидий мақолалар шундай бўлади. Ана шундай мунаққидлар ҳар қалай ҳозирги ўзбек адабиётшунослиги майдонида ҳам йўқ эмас. Улардан ҳусн Сувон Мели.

Устоз адабиётшунослар ўртасида: "Яхши мавзу — ярим диссертация", деган ҳикमत юради. Бу тўғри гап. Аммо яхши мавзунинг юки ҳам бўлади, яъни иш ва диссертантнинг мавзуга муносиблиги юки.

Сувон Мелининг номзодлик диссертациясидан хабардор мутахассислар бундай оғир юк айнан муносиб тадқиқотчи елбасига тушганини шак-шубҳасиз эътироф этганлиги. Ишда асл шеърдаги матн ва сўз муносабати Қўёш ва унинг атрофида айланаётган сайёралар аро самовий муносабат сингари аниқ системага асосланиши, бу система моҳиятини биллиш учун, аввало, ундаги ҳаракат ритмини, шу ритм марказида туриб, бутун шеърни нурантираётган "калит сўз"ни англаш, белгилаш лозимлиги илмий асосланган. Қўёш атрофидаги ҳар бир сайёра қанчалар аниқ вазифа ила вазифалантирилган ва уни заррача бўлсин самовий қонуниятга хилоф этмай бажараётган бўлса, шеър матнидаги ҳар бир сўз мана шундай рутбага эгаллиги таҳлил жараёнида далилланган.

Бир нечта китобга етадиган мақолалари, алоҳида тадқиқотлари борлигига қарамай, Сувон Мели ўз номидан биронта китоб чиқармаган. Бироқ унинг ҳар бир мақоласи бир рисола, дегим келади. "Бой ила хизматчи" ёки тикланган нусха муаммоси, "Ўғригина боланинг иззати ёхуд мижр сеҳри", "Ҳазиллашманг даҳо билан ёхуд мижр сеҳри" — Фитрат ёки Навоий? "Асл адабиёт — эҳтишом хизмат" сингари адабий-танқидий мақолаларнинг ҳар бири айна мезонга жавоб бера олади. Уларда асл мунаққидга хос жанговорлик, кенг илмий-адабий қамров, назарий-эстетик концепция бор. Мухими, мунаққид шеър оҳангини, унинг моясига бўлган "калит сўз"ни беҳато тоғандек, роман, қисса ёки ҳикоянинг ҳам, трагедия, драма ёхуд комедиянинг ҳам хос оҳангини топади. Мисол тариқасида "Ўғригина боланинг иззати ёхуд мижр сеҳри" мақоласидаги топишларни олайлик. Бунда муаллиф илк жумладанок муҳим концепцияни ўртага ташлайди. "Менинг ўғригина болам"да ҳикоячи иккиланган: бири ўн-ўн тўрт яшар бола, иккинчиси шу боланинг олтишадан ошган палласи. Асар "воқеий" деб қўйилганини эътиборга олсак, ҳар икки ҳикоячи муаллифининг ўзи, яъни Фафур Гулом. Ваҳт бекатларида галмалга пайтда турган хикоячи — муаллиф.

Ушбу оригинал концепция бевоисита ҳикоянинг ичидан, ундаги ритм структурасини англаш, қасб этиш орқали юзага олиб чиқилган. Мақола давомиде ўзбек табиатидаги шафқат

(кампирининг нутқи таҳлили орқали), давр воқелиги ("Ўғригина бола" нутқи таҳлили орқали), ўзбекча хос мардлиқ, бағрикенглик (кампири, "Ўғригина бола", ҳикоянавис бола нутқи таҳлили орқали) "мижр сеҳри" деган ягона бадий мақсадга уйғунлаштириб кўрсатилади. Ҳикоя структурасида икки ҳикоячи бор, деган

**Икки оғоз аил сўзи**

фикр эса асар бадий оламидан ташқаридаги, муаллиф шахсияти билан боғлиқ сирлар тугунини ечиш орқали кенг ихтимолий-эстетик кўлам касб этади. Бир сўз билан айтганда, "Менинг ўғригина болам" ҳикояси нуктадон мунаққид таҳлили боис бир йўла учта — бадиий, биографик, ҳаётий қатламда янгидан ҳаракат бошлайди.

Бизнинг бу фикрларимизни ўқиб: "Бу мақолалар академикдан йироқ-ку!", деган эътироз ҳам айтилар эҳтимол. Аммо бундай эътирозга "Ҳазиллашманг даҳо билан ёхуд ким ҳақ — Фитрат ёки Навоий?" мақоласининг ўзбек муносиб жавоб бўла олади. Академиким нима ўзи? Долзарб, янги, илмий жиҳатдан бақувват муаммо қўйиш ва уни ҳал этишми? Агар шундай бўлса, бу мўъжаз мақолада илмийгина эмас, балки бадийий-фалсафий муаммо ҳам кўтарилган. Тасавуф тилмотининг ўзга — жонон, иш ва жон тушунчаларига бир бутун система сифатида қаралган. Ўртага ташланган илмий концепция Навоий ҳазратларидан келтирилган рад этиб бўлмас далиллар мисолида асосланган. Ёки академик дегани машҳур илмий қарашлар билан мунозаарга киришмоқчи? Унда мақоланинг биринчи қисмида Шекспирнинг "Қирол Лир" асаридаги Масхара образи функциясига доир ғарб ва рус олимларининг фикрларига соф илмий раддия билдирилганига нима деймиз?.. Дарҳақиқат, соф академик услуб — у орқали ифодадан мазмун, теран илмий муаммонинг муносиб ечимидир. "Ҳазиллашманг даҳо билан..." мақоласи эса айна шундай асар.

Сувон Мели нафақат мунаққид, балки назарий олим ҳамдир. Унинг трагизм ва трагедия жанри хусусидаги "Лирик фожелик", "Комик катарсис", "Найнинг нокаси — кимнинг ноласи?", "Кўнгли сўнгги бекати ёхуд зуқко мезон" каби тадқиқотлари аниқ назарий муаммони миллийлик ва индивидуаллик уйғунлигига назарий талқин этгани билан улкан қимматга эга. Айниқса, бадий талқиннинг энг мураккаб шакли, қулги ва фожея уйғунлиги, унинг "катарсис" (изтиробга солиб поклаш) функциясига доир "Комик катарсис" тадқиқоти, структур таҳлил ва "янги танқид" назариясига доир тадқиқотлари, Навоий ва Данте, Шекспир ва Қодрий асарларининг қиёсий-типологик тадқиқи, Пушкин шеърлари таҳлили бадиият назарияси соҳасидаги ўзига хос ютуқлардан.

Менимча, Сувон Мели эътиқоди билан аж-дошлариимиз солим иймонни аро кўринмас бир дошларимиз. Бу рисола олим шахсияти ва фаолиятининг икки қиррасини умумлаштиради: миллат ва адабиёт. Шунга қўра Сувон Мелини зуқко олим, чин зиёли десак, тўғри гапни айтган бўламиз.

Узоқ ЖўРАҚУЛОВ

**Парчаланган масофаларда кўнгли кетайди гўёки сенга элтар йўлларнинг акси. Бирма-бир юриб чиқайман ҳамма йўллардан...**

Бу янглиғ тасвирлар ўқувчи идрокига илкис қўчиб ўтмайди, ўқувчи тасвир "чала"сига боғланиб, яна қорозга қарайди, ўқийди. Шундан сирли нимадир ҳарфлар оша буралиб-буралиб билгисиз қаватларга тушади яширинди.

Қабарик тасвир, яъни сўзин моддийлаштириб, кўзга қўригандай қилиш усули бутун янглик эмас. Аммо буни ҳар ким турлича қўлаб кўрмоқда. Ойдиннисо бу усулни баъзан шеър бошида, баъзан шеър якунида қўлайди. Гоҳо ўқувчи диққатни илк сатрларданок қабарик тасвирга тортилади: "Намозшомгул шивирга / кунгабоқар қиқирини улаб / кун тикшди". Намозшомгул шивирга Тунга, кунгабоқарнинг сариқ қултурулари эса Кундузга ўхшатилади. Сўз моддийлаштирилади: "Қара, қандай ярашган вужудимега / товуш тўлатилган эжимжитлик".

Бу каби топилдиқлар Ойдиннисо тасвир захираси ҳали бойлтигидан дарак беради. Зотан, ижодкор кўп усулларга мурожаат этгандагина ўзини ўзи такрорлаш(мотивда, оҳангда, ташбеҳ-да)дек камчиликдан фориғ бўлиши мумкин.

Китобга ёзган сўнгузда Усмон Азим таъкидлаганидек, "Ойдиннисо ўсиб келаятган шоирларимиздан". Зотан, Европада унинг ёшидаги қизлар илк тўшамларини эълон қилдилар. Адабиёт оламига элтидиган йўлнинг бошида иккинчи турлилар. Бу шоирамиз эса тўртта китоб чикарди, ўз йўлини, усулини, усул-улини аллақачон топти. Шу тарафдан хурсандимиз. Бошқа тарафдан эса Ойдиннисондан янада кўпроқ нарсаларни қўтишга ҳаққимиз. Чунки у — талантли, у — нафис фикрли билади, у — ёш ва ҳаракатчан. Шуларни ҳисобга олган ҳолда шеърятимизнинг эртанги қўнлари ушбу қалам этаси сингари истеъодларга боғланаётганидан мамнунимиз.

Баҳром РЎЗИМУҲАММАД



ХОВУР

Шеър матнида истеҳзо, киноя бор. Бахтнинг қулгиси билан бошқа чарчаб, истар-истамай қўнаётган Бахт қўши ҳаракати муайян кайфиятни аниқ-тиниқ ифодалаган.

"Менга бундай термулманг, она" сатри ила бошланган шеърда лирик ҳаҳрамон: "Мен бахтлиман", дейди-да, шундай хулоса ясади:

Қувон муҳри бор эди, эсланг,  
Сизга ёзган ҳу-ув хатларимда.  
Мана, кўринг, қандай бахтлиман,  
Қулаб тушган суратларимда.

Алҳол, Ойдиннисо "Ховур" учун шундай аниқ бир ғоя танлаган, аммо

**Китобингизга ўқимиз**

уша ғоя кўзга тез чалинмайди. Чалинганда ўқувчини анча зериктириб

**Журналларни варақлаганча**

**"ЗВЕЗДА ВОСТОКА"**  
2011 йил, 3 — 4-сонлар



Журналнинг шеърингта бағишланган саҳифаларда мумтоз шоиримиз Пахлавон Маҳмуд ижодиётидан намуналар Н.Ильин таржимасида берилган. Шунингдек, русийзабон ижодкорлардан Людмила Бакирова, Раиса Крапаней, Елена Алимованинг янги шеърлари билан танишасиз.

Наср рўкии остида Владимир Бағрамовнинг "Турналар кўчасида", Ольга Григорьеванинг "Кўркүк синдроми..." романлари охириги қисмларини ўқийсиз. Шунингдек, Абдуқомил Йўлдошевнинг "Эгизаклар", Раҳимжон Раҳматнинг "Миямининг ичиде" ҳикоялари, Сергей Татурнинг "Темир одамлар" қиссасининг давоми ҳамда Нодир Норматовнинг "Сунги васият" роман-эссе-си журналнинг ушбу сони муңдарижасини бойитган.

Публицистика рўкида И.Раҳимовнинг "Жомолунгма чўқисига йўл", Н.Исмомилованинг "Режиссёр ва мурабий" каби мақолалари, адабий танқид рўкида С.Комилованинг "Мустанқиллик даври ўзбек ҳикоячилигининг аънавий ривожланиши", Б.Холбекованинг "Роберт Бёрнс шеърятини ўзбек тилида" каби мақолалари жой олган.

Шеърят тилга боғлиқ санъат туринга мансуб. Чунотчи, шоир тил уммонининг туб-тубига шўнғиб, ҳовуида дур-жавоҳирлар олиб чиқадиган ғаввосдир. Бинобарин, шоир меҳнати — порлоқ ва ярқирок меҳнат.

Аваллиг учта китобига бир сўздан иборат ном танлаган ("Менсизлик", "Номсиз", "Қайтиш") шоира Ойдиннисо тўртинчи тўшамига ном қўйганда ҳам ўз анъанасига содиқ қолибди ("Ховур"), Фафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011). "Ховур" — бир қарашда кўп-роқ. Аммо оғизни тўлдириб талаффуз этсангиз ёқимли манзара ҳаёлда намойён бўлади. Гўёки кўнгли "тандирдан" узилган сўз ҳовур тарқатиб тургандек.

Ойдиннисонинг, асосан, сарбастда ёзишини, шаклини тез ўзгариштириб турлишани кўпчилик билади. Аммо уни туйғунни тиниқ чизадиган, фалсафа парвосиз ижодкор, деб билардик. "Ховур" мутолааси бу қараш тўғри эмаслигини тасдиқлайди.

Алалхусус, шоира ҳақиқатни тугал билмасдан туриб инсон бахтли бўлишга ҳаққимиз, деган саволини ўз олдига қўяди ва саволга рамз-тисмоллар тилида жавоб қайтара бошлайди. Буни шартли равишда рангин имо-ишоралар, десак ўринли бўлар.

Умр мазмуни ҳақида уйлаганида у "ялт" этиб, сўнг хотира девори ортита яширинадиган лаҳзаларни ёлга олади. Шуурости қаватларини титратиб юборадиган туш; эрқка ташна бўлиб хаёлан қўкка кўтариллиш; теварак-атроф кўркамлигидан бир сархушланиб, кей-

ин яна реал турмушга қайтиш ва шунга ўхшаш сезимларни қорозга тушираркан, шоира манзараларнинг, туйғуларнинг фал

Машраб БОБОЕВ

Яшаётган сатрлар

# ЮКСАКЛИККА ҚАРАБ ҮРМАЛАЙДИ ЙЎЛ



Шу баҳорга чулғаниб ётар  
Менинг она Ўзбекистоним...

Тушларим гоҳ қилади хумор,  
Тушларимни гоҳ соғинаман.  
Тушларимга киради баҳор,  
Тушларимга киради чаман.

Дунё кенг —  
Сигамиз унга ҳаммамиз,  
Ҳаммадан ортиб қолар у бир кун,  
Кенгроқ қилсак эдик кўнглимизни биз,  
Дунёнинг ҳам бизга сигамоғи учун...

Йиртқичнинг оғзига тиқасан сен бош,  
Қўрқмайсан. Ҳўрганган. Бермайди озор.  
Хатто қутурган фил — қаршингда ювонш,  
Индай эшилади рўпарангда мор.

Нақадар буюқдир сендаги санъат,  
Тилингда тушунар ҳар қандай ҳайвон!  
Ўзинг тушунмайсан тилингда фақат,  
Ўргатолмайсан-а ўзингни, инсон!

Табиатнинг кўп галати хислатлари бор,  
Ҳали унинг кўп хислати биз учун жумбоқ.  
Қаранг, анов тоғ бағрини босиб ётар қор,  
Аёзлари буида бизни тиндилар бироқ.

Табиатнинг хўп галати хислатлари кўп,  
Номардликка ўхшаб кетар баъзи бирлари:  
Бунда кўш саратонда пуркаганда ўт,  
Кўм-қўк бўлиб яшнаб ётар тоғ бағирлари...

Тонг отиб келмоқда.  
Бу кутлуғ айём  
Бир маънос ўйларга фарқ бўлар киши.

У бир чақалоқдир — покиза ва хом,  
Ўзимизга боғлиқ қандай ўсиши...

Қисқа умр кўрди пилла қурти,  
Фақат йиғирма кун яшади.  
Аммо намунали умр кўрди:  
Ипакка ўради жасадин.

Қайноқ ёз ўрнини эгалламинг куз,  
Дарахтлар тўқади битталаб япроқ.  
Хазонрезги боғда йиғит билан қиз  
Қалбларда ҳаяжон...  
Лабларда титроқ...

Жудолик япроқлар қаддини букар,  
Мунгли шивирлашар улар эртагин...  
...Бир ёнда дарахтлар бағрини тўқар,  
Бир ёнда уйғонар севги куртаги...

Сен қуласан. Алдайсан қулиб,  
Қулгиларинг барчаси ёлгон.  
Қулганингда йиғлайман тўлиб,  
Йиғим ростдир. Йиғимга ишон.

Сен йиғлайсан. Йиғлайсан тўлиб,  
Йиғим ростдир. Алдамас асло.  
Энди мен ҳам тураман қулиб,  
Сен қулгимга ишонма аммо...

Ҳали тонг дуррасини ўрамаган тоғ,  
Ҳали қояларга нурулар кўчмаган.  
Аммо кўп уйларда одамлар уйғоқ,  
Кўп уйларда чироқ ўчмаган...

... Билмасам ҳам — нега шу пайтта қадар  
Одамлар ухламас, одамлар бедор —  
Беҳад бахтиёрман: ёнар чироқлар,  
Шулар қаторида меники ҳам бор...

Юксакликка қараб ўрмалайди йўл,  
Мен ҳам ўрмалайман унга эргашиб.  
Эгилиб, буралиб кўтарилар ул,  
Борар тўқсон яшар қолдай энгашиб.

Юксакликдан орта боқаман энди:  
Йўл ўзгача тамом, чарчоқ унга ёт.  
Боладай ўйноқлаб югурар, мени —  
Юксакликка олиб чиққанига шод.

Кумуш ҲАРАОВА

# ГУЛНИНГ ШАБНАМИГА ЧАЙДИМ ЮЗИМНИ

## ҚИШЛОҒИМ

Қишлоғим...  
Сеним юракдаги ўзгача гурур,  
Кўнглимнинг боғида очилган чечак.  
Сендан узоқлашсам, Андижоннинг  
Соғингандек Бобур, соғинсам керак.

Қишлоғим...  
Болалигим бўйи уфурган тупроқ,  
Онам қулчасини эслатар таңдир.  
Кўп жойга ҳавасим келади, бироқ  
Дунё бир ён, бизнинг қишлоқ бир ёндир.

Қишлоғим...  
Бобомнинг ҳассаси урилган йўлак,  
Момомнинг дуосини кўтарган тоғлар.  
Онам тикиб берган шу жажжи қўйлак,  
Болалигим ўтган мевали боғлар.

Қишлоғим...  
Сенда тутилган бу оғаларимнинг  
Ерга тегайди ҳеч, қара, кураги.  
Сен ўзингсан гўзал Ўзбекистоннинг  
Жонига жон берган битта бўлаги.

Бошимга болишини тутуди осмон,  
Авайлаб, етаклаб боради йиллар.  
Сени ўз бағрида асрайди омон  
Мени ўз бағрига олмаган диллар.

Соғингча ўзимни отмоқчи эдим,  
Юракни савалаб йиғлатди ақлим.  
Ярашиб турсин деб киприklarингиз,  
Бахтинг дурларини авайлаб тақдим.

Гулнинг шабнамига чайдим юзимни,  
Гўё юрагимда ювилди гардлар.  
Мендаги қувончга ишонма, асли,  
Қўзимда қалашиб ётибди дардлар.

Сенинг юрагингда турфа гул ҳиди,  
Сенинг кўзларингда ўзгача наҳор.  
Фақир юрагимдан бир ишқини истаб,  
Пойимда қовжираб бормоқда баҳор.

## СИНГЛИМ

Қишнинг қорларидан ўшқалади дил,  
Қишнинг қорларидан синикди кўнглим.  
Изи бер, оловтафт қафтчаларингда  
Юракни иситиб олайин, синглим.

Сенда болалиқнинг бахтини кўрдим,  
Сенда орзуларинг қўши қўрача.  
Эҳ, биздан онамин қизанган синглим,  
Тоza қалбим менинг, тоza юракчам.



Товонингни ўпди бу тупроқ токи,  
Йиқилсанг туришини ўргангин, синглим.  
Сени кўтарган шу боболар хоки  
Йиғласа, юракдан ўртангин, синглим.

Бир кун бийрон бўлар чучук тилларинг,  
Кўнглига эврилган шеърлар битамиз.  
Мозийнинг энг гўзал сўмоқларидан  
Достонларни айтиб бирга ўтамиз.

Сен-ла ўтган дамнинг файзи бўлақча,  
Тушимга айланиб кетади ўнгим.  
Кел, энди қўлинигиз кўксимга қўйгин,  
Юрагим иситиб олайин, синглим.

## ШОИР ДЎСТЛАРИМГА

Дардларимга тўлди шунча дафтарлар,  
Яна учрашдик, мен шу кунга етдим.  
Неча кун кўрмадим, неча ҳафтала,  
Дўстларим, мен сизни соғиниб кетдим.

Ҳар кунги сўзларим сизларга доир,  
Бизни боғлаб турар муҳаббатимиз.  
Шоирнинг дардини биларкан шоир,  
Дунёга арзийди сўхбатларимиз.

Менга ҳам биргина жой олиб қўйинг,  
Шеъринг аталминг дийригиздан.  
Агар билсангиз, мен учун дунёда  
Ширинроқ нарсаси йўқ дийдорингиздан.

Адабиёт берсин сизга куч-қувват,  
Отанин сўз билан қалбини титратинг.  
Қўлингизда турган шу қалам билан  
Осмони тебратинг, Ерни тебратинг.

Юсуф ХУДОЙКУЛ

# БАЛОҒАТ

Қиш кунлари бўлса-да, адирлар бағрида нишлаетган чечаклар кўнглида орзиқлиш уйғотади. Бу пайтлар Хисор кенгликларидеки табият ўзгача жозиба касб этади. Мактабимиз унчалик муҳташам бўлмас-да, аммо кенгликлардаги олд мактаблардан бири эди.

— Менга қара, ошна, сендан илтимос, менга битта шеър ёзиб бергин, йўқ дема. Биласан-ку, анави Гуллолани, жуда танноз-да. Ҳеч гапиролмаяпман, — деб қолди синфдошим Қобил.

— Эй қўйсанг-чи, бундай шеър ёзолмайман, биласан-ку!

— Мактабнинг шоири бўлсанг, икки қатор шеър ёзиш шунчалик қийин гапми?

Гуллола ажойиб қиз эди. Қобил айтганча танноз эмас. У сиз айтмоқчи бўлган гапни ич-ичидан англаб турарди. Ҳаттоки унингиздан кўнглингдагини дарров илғаб олларди. Мен ноилоҳ шеър ёзишга рози бўлдим. Қишлоғимизнинг ўртасида битта артэзиан қудуги бўлиб, ҳамма шундан сув ичарди. Оқшом пайтлари ўспирин болалар, қизлар сув олгани шу қудуққа келишарди. Синфдошим билан оқ қозоғга ёзилган икки мисра шеърни бежирим конвертга солганча қудуқбошига бордик. Гуллоланининг уйи эса қудуқ бўйида. У тез-тез сувга чиқиб турарди, буни билардик. Мана, у сув бўйига кела бошлади. Гўё ишқий мактубни мен тутқазаётгандек, Қобилдан кўра кўпроқ ҳаяжонланаяпман. Гуллола қизлар ичиде бўлганидан, хатни беришини ҳеч иложини тополмадик. Шом ўтиб, уфқнинг қоши қорая бошлади. Гули эса дугоналари билан челақларига сув олганча уйига кетди.

— Энди қайтиб келмасе керак...

— Бирпас кутайлик, жон ошна, балки яна чиқиб қолар. Ахир, у бизни кўрди-ку! — деди Қобил.

Мен эса бу жойдан тезроқ кетишни истардим. Шу пайт қудуқни назорат қилиб турадиган Раҳимберди ака келиб қолди.

— Ҳа, болалар! Сувни ифлос қилманглар-а, мен қараб турибман. Тагин сувга туфлаб, у-бу нарса ташлаб юрманглар. Қулқларингни қизитаман, — деди.

Бу менга баҳона бўлди.

— Ҳамманинг кўзига ёмон кўриниб нима қилдик. Юр ошна, кетамиз, — дедим.

Қобил ноилоҳ ўрнидан кўзгалди. Нимагадир ич-ичимдан қувонардим. Тўғриси, нимага эканлигини ўзим ҳам билмасдим.

Уйга келганимда, осмон бағридаги юлдузлар янада ёруроқ чарақлай бошлаганди. Отам ҳовлида экан:

— Қош қорайганда нима қил юрибсан? Қиладиган ишини йўқми? — деб қолди.

— Қобилдан эртанги дарсларни билиб келаяпман, — дедим секин...

Кун узоғи қўй боққаним, оқшомда эса сангиб юрганам энди билинди. Ички қувончимдан асар ҳам қолмади. Апил-тапил кечки овқатни едим му дарс қилишга тутиндим. Аммо ўқитганларим умуман қалламга кирмасди. Нимани ўқияпман, билмасам...

— Отаси, қўйинг, ухлай қолсин. Қаранг, мудраб кетаяпти. Дарсларини эртага эрталаб тайёрлаб олар, — деб қолди онам.

Отам оғир хўрсиниб қўйди. Бир оғиз ҳам гапирмади. Бу менинг ухлашимга розилик билдиргани эди.

Биламан, уйдагилар сахар-мардондан уйғотишади. Сабаби, мактабда кетгунимча қўйларга қарашим керак. Сўнг бемалол нонушта қилсам бўлади. Мактаблик уст-бошимни кияр эканман, яна ички ҳаяжон бутун вужудимни қоплай бошлади.

Мактабда «Иккисиз, икки йиллик!» шоири қўллана бошлагандан буён тартиб-интизом жуда кучайган. Ўқитувчиларимиз ўта қаттиққўл, талабчан. Биз «Б» синфда ўқирдик. Бир гал кимё ўқитувчимиз «А» синф билан қўшиб дарс ўтадиган бўлди. Уч-тўртта синфдошларим билан бор-йўғи беш дақиқа кечкиб кирдик дарсга. Ҳаммамизни доска ёнига қатор қилиб тизиб қўйди.

— Қани «сарка»ларинг қайси биринг? Дарс пайти йўлақда хиринглашиб юришга уялмайсанлар, дарсга ўз вақтида киришга вақт тополмайсанлар, шунақами?! Билиб қўйинглар, бу жой сенларга қарвонсарой эмас, сен тушундингми? — дея чеккада турган синфдошимдан сўради. У жим. Шу пайт қарсиллаган овоз эшитилди. Ҳамма ялт этиб ўша томонга қаради. Қафти билан қизарди кетган чап юзюни бекитганча Қўлдош ерга қараб турибди. Аммо бу бошлангани экан...

Мактаб остонасида мени Қобил кутиб турарди.

— Менга қара, бир ажойиб нарсаси бўлиб қўйдим. Биласаним, хатни папкасига солиб қўямиз, хўпми! Сенинг ёрдаминг керак.

— Қанақа?

— Синфда ҳеч ким йўғида, тушундингми, сен эшик ёнида қараб турсанг бўлди.

Мен рози бўлдим. Нима бўлганда ҳам оқибати қандай тугагини жуда-жуда билгим келаётганди. Буни қаранг, шу кунни дарслар силлик, бир мөөёрда ўтди. Ҳеч бир ўқитувчи мендан уйга вазифани сўрамади. Бир томондан, бундан қувонсам, иккинчи томондан, Гул-

лоланинг муносабати ҳаяжонлан-тирарди.

Мана, учинчи дарс тугади, катта танаффус бошланди. Ҳамма ўқувчилар ўзларини буфетга уришган. Қобил иккимиз эса сергажимиз. Эҳиқ ёнида пойлоқчилик қилиш менинг вазифам. Ошнам эса минг хавотирда Гуллоланинг папкасини очиб, хатни жойлаш билан овора. Режамиз осон кўчаётганидан иккаламиз ҳам хурсандмиз. Ишқилиб, охири бахайр бўлсин.

Тўртинчи дарс — адабиёт. Пушқинга суикасодни ўтишимиз керак. Гули эса синфда кўринмасди. Ўқитувчимиз аввал уйга вазифани текширди. Тайёрланиб келганлар қўл кўтариб жавоб беришди. Тайёрланмаганлар эса навбатдаги даққини эшитишди. Мендан яна сўрамади. Эндигина янги дарс бошланган эди, синфга Зулхумор опа билан Гуллола кириб келишди.

— Қобил ким? Қани, тур-чи ўрнингдан! Эй, сеними? Бўйинг бир қаричу, севгини ким қўйибди сенга, тавба.

Буни қаранглар-а, шеърли мактуб йўллабди. Нима эмши, «Қоши қаро, кўзи қаро Гулигина, Қарасам ҳам қарамайсан, ўтдимики биздан гина». Эй, сени қара-ю, бурнингни артиб ол! — деди Зулхумор опа. Зулхумор опа — мактабимиз директори.

Гулнинг қилиғи ҳаммасидан ўтиб тушди. У хатни олдию майда-майда бўлақларга бўлиб Қобилнинг юзига сочиб юборди.

— Шеърни ўзинг ёздингми? — сўраб қолди адабиёт ўқитувчимиз.

— Йўқ.

— Унда ким ёзди?

— Ана у, — мени кўрсатса бўлади мени ярамас Қобил.

— Эй, сеними, индамас бола. Индамасдан кўрқ, деб шуни айтсалар керак-да! Ҳали сен топиштирадиган бўлдингми? Ўзингга бир қара, она суги оғзидан кетмаган гўдакану... Севги ҳақида шеър ёзишга бало борми? — ўқитувчимиз бу шеърни мен ёганимга ишонгани келмасди-ю, ноилоҳ Қобил мени кўрсатиб турганди.

Рости, шеърни мен ёганимни билган, Гуллоланинг юзлари қизаргандек бўлди, лекин энди кеч эди...



ди ва у уйда ағдариладиган бир парча бедаповоиси борлигини айтди. Тўғриси, бизларни ишнинг оғир-енглигини ҳам кўра унга биргаллашиб боришимиз ҳамда ота-оналаримиздан ҳолироқ тарзда қачқаклашиб кун ўтказишимиз севинтирар эди. Хуллас, Рустам жўранинг уйига шомга яқин йиғилиб бордик. Ойнинг ёруғида ер ағдариланинг ҳам гашти борда, ахир. Мезбон бўлмиш Рустам ўзини эркин тутганча бизларга ҳам ўзи кўрсатар, ҳам гап сотарди. У авваллари ҳам далли-гулли эди асли. Бир пайт гап айланиб ҳаммамизга сеvimли, сеҳрли мавзуга — қизларга кўчди. Бунда ҳам Рустам устамонликни кўлдан бермасликка тиришарди.

— У, ростданими? Қандай қилиб кўндирдинг? Айтиб бер, ошна. Бар-

# СЕВГИ

Синфдошлар билан ўзимизча одат чикардик, яъни ҳафтанинг ҳар шанбасида навбати билан бир-биримизникига бориб уй юмушларига қарашадиган бўлдик. Масалан, лой сувоқми, ғалла ўриши ёки ер ағдарими, ишқилиб, овози дўриллаб қолган бир гала бўз болалар ҳашарчи деган ном чикардик. Ўйдагилар ўзларича қувонишиб, бизга алоҳида эътибор беришар ва алоҳида дастурхон тузашарди. Биз ҳам албатта бундан қувониб, гурурланиб кўярдик. Кунларнинг бирида навбат Рустамга тег-

моғига қўлинг тегса сакраб кетади-ку, у? — дея гап ташлади Эшмат.

— Сенлар ҳамманг қуён юраксан. Қизларга гап отишимиз билиш керакда.

— Қандай қилиб кўндирдинг, жўра? Аввал исботла, сўнг ишонамиз сенга.

— Ишонмайсанлар, мана ҳозир кўрасилар,— деб қолса бўладими бир пайт Рустам.

на уфқдан кўтарилиб келаётган ой ёғдусида йўлга тушдик. Ширин қизнинг уйи унчалик узоқда эмас, қишлоқни кесиб ўтган катта йўлнинг чет-роғида, тутқатор тарафда эди. Кўча қоронғи экан, лекин бизга ҳар бир тошигача маълум бўлган ҳар кунлик йўлимиз ойдин кўринарди. Қолаверса, кўнглимиздаги беқарорлик ва пинҳон ниятимиз ҳам йўлни ёритарди гўё. Бизлар девор ортидаги йўлакдан пусибгина уйга яқинлашдик. Рустам эса кўкрак қериб, олдимизда гоздай кетаётди. Биз деворга қалишганча туриб қолдик. Рустам шуьла тушиб турган деразага яқин борди. Қоронғуда фақат унинг шарпаси кўриниб турар, ўзи эса нималардир қилиб қўймаланади. Унинг нима деб пичирлаётганини ҳаракатлари бизга қоронғу эди. Орадан сал вақт ўтмай дарвоза гичирлаб очилди ва нозик-нозих Ширин эмас, қўлида калтак тутган Қодир ака чиқиб келди. У Шириннинг отаси.

— Қани, қайсинг қизимни яхши кўрадиган? Бир башарангни кўриб қўйай-чи. Ҳе, отангнинг илиғига сенларнинг, — дея Рустамга қараб юрди.

Биз жойимизда тошдек қотиб қолдик. Хатто нафас олишга ҳам қўрқардик. Бизнинг шоввоз Рустамжон эса бўйи баробар симтўсиқдан шундай эччиллик билан сакрадики, хатто симтўсиқ силқиниб ҳам қўймади. Қодир ака сўқинганча гудраниб уйига кириб кетди.

Биз худди душман пистирмасини ёриб ўтишга шайланган халоскорлардек, ҳовличадан эмаклабгина чиқдик. Ва ҳеч нарса кўрмагандек, халослаб келганча безга қодирланг белкураларни қўлга олдик.

— Ҳой, уйинг бугўйга тўлгурлар, қаерга кетиб қолдиларинг? Овқат совиб қолди-ку, — уй тарафдан Рустамнинг онасининг товуши келди. — Келиб бир пиёла чай ичиб олинглар, сўнг тугатасилар, тез келинглар.

Хола бизнинг ер ағдарилмиздан ҳам кўра, қорнимизни тўйдиришни кўпроқ уйлаётгани гап авзойидан сезилиб турарди. Бир-биримизга қараганча тек қолдик. Овқатланишга борайлик десак, Рустам йўқ — сир очилиб қолади. Орамизда гавдали, гапга чечанроқ Авлоқул эди. У жонимизга ора кириди.

— Хола, озгина қолди. Тугатамизу борамиз.

Шу пайт ҳаллослаганча Рустам ҳам етиб келди. Болаларнинг гуросс кулгуси кўтарилди, гўё ҳовли яшнаб кетгандек бўлди.

— У-у, сиз тўсиқдан ёмон сакрадинг-ей. Роса боравериб машинани олган экансанда-а?

— Ҳолинг шу экан-ку, ошна. Айтдим-а сенга катта гапирма, деб,— мен ҳам гап қўшдим.

— Узларинг-чи, мен-ку уйигача бордим. Эртага пахтага борсин, кўрсатиб қўяман сенларга. — Рустам отдан тушса ҳам эгардан тушай демасди.

Эртаси куни тонгданок далага чиқдик. Тизилишиб эгтарларга равона бўлдик. Рустамнинг қўзлари олазарак, унинг кимни ахтараётгани бизга маълум эди. Шу сабабдан кечаги ҳазилимиз ҳали тинмаганди. У эса қиёфаси жиддий, бизнинг гапларимизга эътибор қилмасди.

— Ҳа, сахардан пахта тергиларинг келиб қолибдими, сенларнинг. Шошманглар, бироз пахтага шудринг тушибди, ҳали хўл. Сал кўтарилсин, — дея ёнимизда келди табелчимиз.

Аммо унинг гапига «Эрталаб терса, баракали бўлади» деб индамай териб кетавердик. Бир пайт Рустам фартугини пахтаси билан кўтарганча биздан анча илгарилаб кетган Ширин томонга юра бошлади. Биз эса томошани яқинроқдан кўриш умидида жон-жаҳдимиз билан пахта тера бошладик. Уларга яқинлашган сайин безовталандик, айна пайтада товушимизни ҳам чиқармай жим борардик. Уларнинг шивир-шивирлари элас-элас эшитилаяпти.

— Уртоқларимга ваъда берганман, ахир, — дерди Рустам шивирлаб.

— Йўқ-йўқ. Уят бўлади, кет, — деб шивирларди қиз ҳам.

— Шундай, қўлларингдан бир тутсам, бўлди. Ҳеч ким кўрмайди.

— Ҳозир эмас, кейин...

— Мени ўртоқларим олдида уялтирмоқчимисан, мени севасаними ўзи?

Бу пайт биз уларга яқинлашиб қолгандик. Ширин жим қолди ва қизариб кетди. Сўнгра фартугини олқасига олганча илдамлаб нари кета бошлади.

Биз барибир Рустамга тан бердик. У ваъдасини бажарган эди.

Санъаткорнинг дунёқарашини ижро этаётган образларида, танлаётган ролларида яққол намоён бўлади. Сиз бу актёрни «Қор қўйнида лола», «Орзу ортида», «Сув ёқалаб», «9 ой» каби фильмлардаги каттакич образлари орқали яхши танийсиз. Фақат ўзига ёққан сценарийлар устида изланиш олиб борадиган, ролдан ролга ўтварадиган актриса ҳаётда ҳам, ижодда ҳам ўзининг қарашларига эга. Ўзбек кино санъати ва дубляжнинг етакчи актрисаларидан бири Зулхумор Мўминова билан суҳбатимиз у яратган образлар ва актёрлик касбига муносабати ҳақида борди.

— Зулхумор опа, актёр образини тўлақонли очиб учун қай жиҳатларга эътибор бериши керак, деб ўйлайсиз?

— Ана шу ролингиз жуда ҳаётий чиқибди, яратган образингизда айнан шу одами тақдирдан келиб чиққансиз, дейишса, бу мен учун энг юқори баҳо. Актёр ўйнаган ролига томошабинни ишонтира олиши керак. Ролдан ролга, образдан образга одатдаги қиёфада ўтварадиган актёрларнинг ижросида кўпинча бир хиллик сезилиб қолади. Бунда на актёр ютади ва на томошабин... Энг муҳими, ролга қай даражада тайёрсиз, бу ролни қанчаллик ўзингизники қилиб олдингиз — гап ана шунда.

Актёр ўз дунёқарашини ва қаҳрамонини ҳолатини уйғунлаштириб, янги бир қиёфа кашф эта олади, бу унинг маҳоратидан дарак беради. Образингизга хос энг муҳим хусусиятни топа олсангиз, унинг ўзи сизни бошқариб кетади. Актёр ўрганиши керак бўлган характерларнинг барчаси ҳаётнинг ўзиде жамуландир.

— Образнинг ишонарли, ҳаётий чиқishi шерик (партнёр)ларга ҳам боғлиқ эмасми?

— Албатта боғлиқ. Суратга олиш майдонида бу яққол сезилиб туради. Агар партнёрини ролга тайёр бўлсан, бир-биримизни илҳомлантира оламиз. Аксинча бўлса, ҳолатга қиролмай кўп қийналамиз. Баъзида ижро техникаси, маҳорати, имкониятлари сизга бутунлай нотаниш бўлган партнёр билан рол ўйнашингизга тўғри келади. Бундай вазиятда ўша актёрни инсон ва санъаткор сифатида ўрганишга, янгидан кашф этишга ҳаракат қиламан. Модомики, гап партнёрлик ҳақида кетар экан, баъзида актёрлар ўртасидаги зиддият ҳам фильмдаги зиддиятни очиб беришда асқотиши мумкинлигини айтишим лозим. Баъзида бундай

ҳолатлар образларни жонлантиришга хизмат қилади. Актёрлик шундай мураккаб касбки, унга ҳар қандай ҳолат, вазият ё ёрдам беради, ё аксинча... Суратга олиш жараёнида

## АКТЁР ЎЗИНИ ХУРМАТ ҚИЛИШИ КЕРАК

актёрга нима ҳалал беради-ю, нима кўмаклашади, аниқ айтиш қийин. Масалан, ҳоҳида суфлёрнинг овози «тик» этган товуш ҳам менинг кайфиятимни тушириб юбориши мумкин. Шу боис ҳам суратга олиш чоғида атрафдаги шовкин-сурондан ўзимни ажратиб олишга интиламиз. Шуниси аниқки, ҳар бир актёрнинг ўз олами, ўзига хос ишлаш жараёни бўлади.

— Сўнги ишларингиздан бири режиссёр Мирмаксуд Охуновнинг «9 ой» фильмидаги Бахтинисо образи бўлди. Ўзингиз бу рол ҳақида қандай фикрдасиз?

— Филм синовидан сўнг ролга тайёрланиш учун бир ой муҳлат олдим. Актёр учун бу жуда муҳим. Сценарийда ёзилганидек, барча суратга олиш ишлари Бухорода ўтказилди. Бу ернинг муҳити менга катта ёрдам берди. Сценарийни ўқиганимда Бахтинисо ҳаётининг барча қийинчиликлари қарши матонат билан курашувчи, замонавий, ўз қадрини биладиган, ҳаётий ҳақиқатларга суянмаган аёл эканини тушундим. Фильмда ҳам асосан унинг ана шу жиҳатларини акс эттиришга уриндим. Бахтинисо ҳам бошқалар каби хато ва камчиликлардан холи эмас. Аёл сифатида унга муҳаббат билан қарашга, у қабул қилган қарорларни хурмат қилишга интилдим. Умуман, актёр ҳаммиса ўз қаҳрамонини севиши лозим. Бахтинисо образини экранда қай даражада акс эттирдим, бунга томошабин баҳо беради, албатта.

— «Қор қўйнида лола»да Фитна, «Сув ёқалаб»да Зулфия, «Орзу ортида» фильмларида ҳамшира образларини ижро этгансиз... Уларнинг кечинмалари, туйғулари... сизга яқинми?

— Баъзида режиссёрлар актёрга «Уз характерингизни ўйнан», дейишади. Агар рол айнан сиз учун ёзилган бўлса, бу — асосли таклиф. Биз институтда ўрганган Станиславский мактабида «Ўзингдан келиб чиқ, аммо ўзингдан узоқлаш», дейилади. Бу нима дегани? Актёр ва образ ўртасидаги масофа ролдан ролга узоқлашиб бориши керак. Яъни образлар бир-бирини



лабалик йилларимда Анна Каренина ҳақида кўп ўйлардим. Ҳар бир ролимда Тумарис, Жанна д'Арк, Увайсий, Анна Каренина қидирардим. Чунки уларнинг ҳар бирида қудратли аёл тилсоли мужассам. Аслида актёрнинг ҳар бир ўйнаган роли, ҳатто амалга ошмай, орзуларида қолиб кетган образлари ҳам унинг таржимаи ҳоли бўлиб қолади. Фирқимча, актёр «мен шундай ўйнайми, бошқа ҳеч қим ижромани такрорлай олмасин, бу фақат менинг ролим бўлиб қолсин», дея шахд билан ижод қилиши керак. Санъатда мана шу ҳеч қимга ўхшамаслик, ўзига хосликка эга бўлиш жуда муҳим.

### Учрашув

— Негадир сизни хусусий киностудиялар фильмларида учратмаймиз?

— Ҳар бир қўётган қадамим учун жавоб беришни истайман. «Бугун тиркчилик учун, эртага эса санъат учун ишлаймам» қабилидаги фикрлар мени таажубга солади. Фақатгина қалбимни жунбушга келтирадиган фильмларда ўйнашни хоҳлайман. Агар шундай рол бўлса, бу хусусий студиями ёки бошқаси... бахонидил рози бўлардим. Яхши фильмни кўрган томошабин зайдан маънан бойиб чиқиб кетади. Маънавиятга хизмат қилиш ҳар бир санъаткорнинг бурчи. Бунинг учун санъаткорнинг ўзиде маънавият, маданият юқори даражада бўлиши керак. Бинобарин, дуч келган ролни ўйнаб кетавермаслик юксак касбий маданиятдан дарак беради.

Фарҳод УМАРОВ суҳбатлашди.

## ОИЛАГА САДОҚАТ — ВАТАНГА САДОҚАТ

Замонавий мавзудаги саҳна асарларини яратиш азалдан театр санъати олдида турган долзарб вазифалардан бўлиб келган. Бу йўналишда салмоқли натижаларга эришган ижодий жамоалар орасида Ўзбек миллий академик драма театрини кўрсатиш мумкин. Театр репертуаридан жой олган замонавий мавзудаги асарлар орасида Кўчкор Норқобил пиесаси асосида режиссёр Валижон Умаров томонидан саҳналаштирилган «Кўёшни сен уйготасан» спектакли эътирофга лойиқ. Юртимиз мустақиллигининг йигирма йиллиги арафасида тақдироти бўлиб ўтган ушбу саҳна қўсқа вақт ичиде ўз мухлисларини топти.

### Муносабат

Ўзбек оиласи ҳақида гап кетганда, анор донларидек бир-бирига яқин бўлган яқлит организм кўз олдимизга келади. Агар оилани уйга қиёс қиладиган бўлсак, эркак унинг устун. Оила аъзоларининг ҳар бири унга суянади, мадад кутади. Афсуски, бугун ана шу бурчни унутиб, мўмай даромад илинжида хорикга бош олиб кетаётган юртдошларимиз ҳам йўқ эмас. Уларнинг тақдирини барчамизни бирдек хавотирга солиши табиий. Ёт ўлкаларда хорзор бўлиб юрган бундай одамлардан азият чекадиган ким? Унинг йўлига интизор аёли, юрагини ҳовучлаб кутаётган волидаси, жўжабидай фарзандлари эмасми?

Актриса ўз қаҳрамонининг мураккаб руҳиятини чуқур психологик кўринишда очиб беришга ҳаракат қилган.

Томошабинлар эътиборини тортувчи қаҳрамонлардан яна бири кишлоқда қурилган замонавий спорт мактаби раҳбари Йўлдош. Бу образ спектакл жараёнида фақатгина бир саҳнада иштирок этса-да, катта юкка эга. Йўлдош ёшларнинг спортчи бўлишини эмас, ўз ҳамини тўлиқини истайди.

Яъни «Така бўлсин, сут берсин» дейдиганлардан. У Шабнамга ўзини хоий қилиб кўрсатиб, уни эрмакка айлан-тиргиси келади. Шабнам унинг йўриғига юрмагандан сўнг, аламини спортчи қизидан олади. Бироқ Абдураим Абдуваҳобов ижросидаги бу образда сунъийлик сезилмади. Ижодкор мансабпараст, маишатга муккасидан кетган оддий қаҳрамон қиёфасини яратиш билан чекланиб қолган. Томошабинлар ёдида бўлса, актёр бунга қадар «Ўзбекча рақс» трагик комедиясида Шаҳоб ролинини ижро этганди. Бу қаҳрамон айрим жиҳатлари билан Йўлдошга ўхшаш, кичик образ ҳисобланса-да, А.Абдуваҳобов импровизация ҳамда актёрлик топилмалари завзига ўзига хос образ яратишга эришган. Бизнинг назаримизда Йўлдош ролида ана шундай ижодий ёндашув етишмади.

Асатилла Набиев ижросидаги Қодир спектакл ғоясини очишда катта



«Кўёшни сен уйготасан» спектаклида юртдан ташқарига кетиб, сарсонсаргондан юрган айрим йигитларнинг аянчли тақдирини кўрсатиш орқали Ватанга муҳаббат, оиллага Садоқат ғоялари улуғланади. Биз бунини спектаклнинг бош қаҳрамони — Шабнам мисолида кўришимиз мумкин.

Парда очилиши билан шовкин-суронли вокзал намоён бўлади. Шабнам беш йилдан буён бирор марта ҳам оиласидан хабар олмаган турмуш ўртоғи Қодирни олиб кетишга ҳаракат қилади. Севимли ёрининг илтимосларига қарамай, Қодир Ватанга қайтишига қаратади «Бир кун келиб сизга бу ерларда умрингизни бекоорга ўтказаятганингизни исботлайман», дея даъво беради. Мазкур ҳолат асар туғунини ташкил қилиб, кейинги воқеалар ривожланишига туртки беради.

Шабнам ўз қучига ишонган ақли, меҳнаткаш аёл. У дунёга бошқача кўз билан қарайди. Муҳаббатни учун шаҳар ҳаётини воз кечиб, кишлоққа келган. Бу ерда ҳам яхши имкониятлар яратиш мумкинлигига ишонади. Қайнонаси Ойдин мома «Кетавер, мен сендан розиман» деса ҳам мақсадидан чекинмайди. Бизнес режа тўзиб, кишлоқда қорчиона очиниш ният қилади. Бироқ барчаси Шабнам уйлаганидек бўлиб чикмайди. Иш режаси қўрилмай ойнаб кимларнингдир хонасида чанг босиб ётаверади. Аммо қийинчиликлар қатъиятли аёл иродасини бука олмайди.

Шодия Тўхтаева Шабнам образини жонли, таъсирчан қиёфада гавдалантира олган. Унинг ижросидаги қаҳрамон оддий бизнесмен эмас, катта режаларни кўзлаган гайратли тадбиркор. Истеъдодли актриса қаҳрамонини изтиробларини чуқур ҳис этиб, бунини томошабинга табиий, ортиқча сентиментал бўёқларсиз етказиб беради.

Спектаклда Дилбар Икромов яратган Ойдин мома образи ҳам эътирофга лойиқ. Миллий қиёфадаги қаҳрамонларни гавдалантиришда катта тажрибага эга актриса она ролини маромига етказиб ўйнаган. Ойдин мома хорикда сарсон-саргондан бўлиб юрган фарзандини ўйлаб қаттиқ қуонади. Ўғлининг орта қайтмаганини эшитиб, кўзлари оқизланиб қолади.

аҳамиятга эга, мураккаб образлардан бири. Асар давомида у мавсулияси, арзимас гина-қудратлардан аламзада одам қиёфасида намоён бўлади. Шунга қарамай Қодирга салбий образ сифатида баҳо бериб бўлмайди. У нимаки ишга қўл урса, оиласи фаровонлигини таъминлаш мақсадида қилади. Қодир Ватанга қайтишни истайди, бироқ ғурури кўзини кўр қилган. Ҳаётда бундан бешроқ одам деб бор пулидан ажраб, ўзгалар тўзогога тушган, уларга қарам бўлиб қолган.

Ватанга — туғилиб ўсган қишлоғига қайтиб келгач, Қодирнинг кўзи очилади. Онаси ва фарзандига кўринишдан уялиб, изтиробдан чангалида қолади. Бироқ оғир вазиятда вафоли ёри унга таянч бўлади. Шабнамнинг кечириси, қизининг чепиона бўлиши Қодирга куч бағишлайди.

Ойдин мома билан ўғлининг кўришиш саҳнаси ҳам ўта таъсирчан. Она фарзандини бағрига босар экан, уни жазолагандек орқасига урган бўлади-ю, бироқ уни қучиб, ўқиниб-ўқиниб йиғлайди.

Бастакор Алишер Расуллов спектакл воқеалари руҳига мос музикалар танлаган. Бу оҳанглар бизни узоқ Сурхон дёғрига етказиб, қаҳрамонлар руҳиятини англашга ёрдам беради. Шўхрат Абдумаликов томонидан яратилган декорация ҳам асар ғоясини очиб беришга хизмат қилган. Тўп-тўп қилиб боғланган ипак арқонлар асар сўнгида ечилади. Қизлар уларни дастгоҳ мисол ҳаракат келтириб мато тўқий бошлайди. Ниҳоят, кишлоқ ахли кутган иш амалга ошади, Шабнам қўшини уйғотади.

Воқеалар сўнгида туман ҳокими Замон Ашрафович (Меҳриддин Раҳматов) тилидан айтилган қуйидаги сўзлар спектакл беш ғоясини очиб, асарга ўзига хос яқун ясади: «Бизга ҳеч қим, ҳеч қанон ташқаридан келиб ўзимиз хоҳлаганимиздай нарсани яратиш, бунёд этиб бермайди. Биз нимага эришсак, ўз қучимиз билан эришамиз. Ақл-идрокимиз билан, меҳнатимиз билан эришамиз. Чунки Ватан биз билан! Биз ўз уйимизни обод қилсак, демак ватанимизни ҳам обод қилган бўламиз».

Жавлонбек ЖОВЛИЕВ, Санъат институти талабаси

## «СЎҒДИЁНА» ШОДИЁНАСИ

«Сўғдиёна» ўзбек давлат миллий чолгулар камер оркестри Ўзбекистон мусиқа санъатини жаҳон саҳналарида намоёйиш этиб келаётган нуфузли жамоалардан бири. Унинг бадий раҳбар ва дирижёри Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, профессор Феруза Абдураҳимованинг фидойилиги, ўз касбига муҳаббати ва ижодий изланишлари тўғрисида оркестр репертуари кенгайиб, юксак савияли асарлар билан бойиб борди. Бугун Шарк ва Фарб композицияларнинг 600 дан ортиқ мусиқий асарларни репертуардан ўрин олган. Оркестрнинг ижодий изланишлари турли нуфузли халқаро танловларда юқори ўринларга муносиб кўрилмоқда. Жумладан, Испанияда бўлиб ўтган халқаро мусиқа фестивалида Гран-при, Жанубий Кореяда ўтказилган пуфлама чолгу асбоблари халқаро фестивал-танловиде 1-урин, АКШда ўтказилган «Golden Trophy» халқаро мусиқа танловиде «Олтин диплом», Қозғистонда ўтган «Жубанов кўктеми» 1 халқаро халқ чолгулари оркестрлари фестивал-танловиде 1-уринга сазовор бўлган.

### Эътироф

— Кўни-кеча «Туркистон» саройида «Сўғдиёна» оркестрининг 20 йиллигига бағишланган гала-концерт бўлиб ўтди. «Ўзликка йўл» деб номланган бу концерт дастури М.Бафоевнинг «Саёҳатнома» асари билан бошланди.

Катта экранда «Сўғдиёна»нинг турли давлатларга ижодий сафарларидан видеолархалар намоёйиш этилди. Ўзбек, рус, корейс, озарбойжон, ҳинд халқларининг дилга яқин оҳангларини мухлислар завқ билан тингладилар. М.Бафоевнинг «Чанқовуз усуллари» асари кутилмаган дурахшоннинг фидойилиги, ўз касбига муҳаббати ва ижодий изланишлари тўғрисида оркестр репертуари кенгайиб, юксак савияли асарлар билан бойиб борди. Бугун Шарк ва Фарб композицияларнинг 600 дан ортиқ мусиқий асарларни репертуардан ўрин олган. Оркестрнинг ижодий изланишлари турли нуфузли халқаро танловларда юқори ўринларга муносиб кўрилмоқда. Жумладан, Испанияда бўлиб ўтган халқаро мусиқа фестивалида Гран-при, Жанубий Кореяда ўтказилган пуфлама чолгу асбоблари халқаро фестивал-танловиде 1-урин, АКШда ўтказилган «Golden Trophy» халқаро мусиқа танловиде «Олтин диплом», Қозғистонда ўтган «Жубанов кўктеми» 1 халқаро халқ чолгулари оркестрлари фестивал-танловиде 1-уринга сазовор бўлган.

— Кўни-кеча «Туркистон» саройида «Сўғдиёна» оркестрининг 20 йиллигига бағишланган гала-концерт бўлиб ўтди. «Ўзликка йўл» деб номланган бу концерт дастури М.Бафоевнинг «Саёҳатнома» асари билан бошланди.

Гулҳаё УЗОҚОВА, консерватория талабаси



Сўнги йилларда мевасабзавот ва полиз неъматларини бадийий ўйиб ишлаш, яъни карвинг (инглизчада қирқши) санъати кенг омаллашиб бормоқда. Бундай санъат намуналарини асосан тўй ва байрам дастурхонларида кўриш мумкин. Гаройиб тарзда шакл берилган бундай мўъжизани ҳақиқатан ҳам инсон қўли билёб этганига ишонч ҳосил қилиш учун уни яратадиган ҳайкалтарош ишини кузати-

## ТАБИАТ ВА РАССОМ

Бадий академиянинг марказий кўрғазмалар залида «Табият ва рассом» анъанавий кўрғазмаси очилди. Экспозициялардан икки юздан ортиқ рангтаъсир асарлари ўрин олган. Утган йиллар мобайнида кўплаб рангтаъсир усталари етишиб чиқди. Евгений Мельников асарларида табиятга жўшқин муҳаббатни, ака-ука Отабоярларнинг асарларида манзаралар табиийлигига кучли иштиёқни кузатиш мумкин. Нуфузли кўрғазмаларда асарларидаги мавзу ва ранглар уйғунлиги кўп бора эътироф этилган Файзулла Аҳмадалиев «Сар-



Узбекистон давлат консерваториясининг орган залида композитор Мустафо Бафоев ижодига бағишланган концерт бўлиб ўтди. Маланият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Бастакорлар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган концерт дастурида композиторнинг янги асарлари янради. «Муҳаммад пайгамбар» фортепиано тур-

маданий ҳаёт

кумилан «Коинот сирлари» пиесаси, скрипка ва фортепиано учун соната, «Буюк ипак йўли» фортепиано туркумидан «Арабистон саҳросида И.С.Бах» пиесаси, алыт ва фортепиано учун соната, скрипка ва фортепиано учун «Хоразм концерти» шулар жумласидандир. Асарларни халқаро танловлар лауреатлари Мария Аҳаджонова (фортепиано), Феруза Норматова (скрипка), Дмитрий Овчинников (алты), Лемара Якубова (скрипка) ижро этишлар.

Безавир БОЙСИНОВА, консерватория талабаси

## Кўрғазма залларида

«Чашма» асарлар туркуми билан барчанинг эътиборини тортиди. Римма Гаглоева, Янис Салпенкиди, Анвар Мирсоатов, Валерий Енин, Виктория Трошина, Дилором Мамедова, Исхора ва Светлана Шин, Владимир Чуб, Флорида Гамбарова, А.Жамолов асарларида эса чуқур лиризм ва ўзига хос ранглар гармонияси мавжуд. Ёш рассом Дилором Мамедова ҳам кўрғазмага янги асари билан келган. Унинг «Емгирдан сўнг», «Дарё», «Дала», «Чирчиқ дарёси» каби асарлари ёшлар эътирофига сазовор бўлмоқда. Ё.Бекназаров, Ф.Пўлатов, М.Каримова, Е.Хегай, М.Холов, М.Алимухамедов, К.Умурзоқов каби ёшлар ўз ижоди билан кўрғазмада илк марта иштирок этмоқда.

Кўрғазма доирасида ташкил этилган наманганлик иқтидорлик рассом Муҳаммад-жон Тожимирзаевнинг ижодий кўрғазмаси эса рангтаъсир илҳомларини учун ҳақиқий байрам бўлди. Унинг асарларида образларнинг декоративлиги, «Йўловчилар», «Туш», «Тинч ҳовли», «Бахт қуши» каби асарларида манзара ва натуротрлар гўзаллиги томошабинни жалб этади.

Сарвара ҚОСИМОВА, Алексей ПОПОВ олган сурат

## ЗАМОНАВИЙ ЭРТАК

Қарши шаҳридаги вилоят ўқувчилар саройида вилоят кўнгирак театрида саҳналаштирилган «Шайтонга йўлқаман бола» замонавий эртактомошасининг премьераси бўлиб ўтди. Асар муаллифи ҳажвичи ёзувчи Муҳаммад Очил, саҳналаштирувчи режиссёр — Акмалжон Худоёров, саҳналаштирувчи рассом — Мирзохид Маматов.

— Ушбу замонавий эртакт-томошад, — дейди театр директори Турмулло Маллаев, — дангасалик, халқпарастлик енгил ҳажв остига олинди. Болаларни меҳнат қилиш, китоб ўқиш, мактабда ва уйда ўзини муносиб тутиш, жамоат ишларида фаол иштирок этишга даъват қилиш ёрқин саҳна кўринишларида акс эттирилган.

Томошамиз «Яхшига ёндошсанг етарсан муродга, ёмонга ёндошсанг қоларсан уятга» логан халқимиз нақлининг бадийий ифодаси, десак хато бўлмайди.

Ихтиёр ЮСУПОВ

## НАҚҚОШЛИКДА ЯНГИ ШАКЛЛАР

«Карвинг санъатида уймакорлик техникасини яхши билишнинг ўзи камлик қилади, — дейди Ўзбекистон ошпазлар ассоциацияси раиси Акбар Умаров. — Бундай одам ижодий тафаккур, маҳсулот ва рангини уйғунлаштира билиш санъати ва тайёр маҳсулотни дастурхонга жойлаштириш маҳоратига эга бўлиши керак. Айнан шу жараён узоқ ва машаққатли тайёргарликни талаб этади. Шунинг учун ҳам туризм, рестороанлар ва пазандалик соҳаси мутахассислари тай-

ёрловчи коллежлар талабалари жиддий тер тўқишларида тўғри келади».

«Moldexpro» залида ва Киев миллий савдо-иқтисод университетида ўзбекистонлик катта ошпаз Абдусаттор Саматов раҳбарлигида ўз маҳоратларини намоёйиш этган Муҳаммадали Усанов, Зафар Содиков, Аъло Султонов, Алишер Жолдибоев ишларини кузатган томошабинлар ҳайратдан лол бўлиб қолдилар. Йигитларнинг олий даражадаги маҳорати нуфузли ҳакамлар ҳайъати эътиро-



Ниспариянда ўтадиган ҳосил байрами қатнашчиларига кўрсатиш учун олиб кетди. Бошқа йигитларимизнинг ишлари ҳам қўлма-қўл бўлди. Улардан фақат суратлар қолди».

Афсуски, ниҳоятда гўзал санъат тури бўлган карвинг маҳсулотларининг умри қисқа. Ҳозирча дунёнинг таъникли пазандалари орасида кенг тарқалмаган бўлса-да, бироқ карвингнинг келгусида жиддий санъат турларидан бирига айланишига шубҳа йўқ.

Флора ФАХРУТДИНОВА

Туртинчи қаватда, устига-устак иккита каталакдек хонада қуён боки бўларканми? Албатта, бунинг ҳечам иложи йўқ. Лекин нимаям дердик. Боланинг кўнгли-да! Ҳаммамиз ҳам боланинг давримизда бирон жониворга меҳр қўйганми. Масалан, мен ҳам кучук боққанман, каптарга ишқибоз бўлганман. Гапнинг индаллоси, айна саратон кезлари кичик қизимни тоққа — туғилиб ўсган қишлоғимга, ота-онаминг ёнига жўнатдик. Чамаси бир ойларда у кайдди. Узи билан бирга мушук боласидан сал йирикроқ қуёнчани олиб келибди. Қишлоқда кимнингдир қуёни болалаган экан, қизим ўша митти-войлардан биттасини шаҳарга олиб кетаман, деб туриб олибди. Оч малларанг кўзлари худди шилтадан ясалганга ўхшайди. Майин юнглири оппоқ, узун қулқоқларининг томири қизаринкираган. Бурни негадир бетўхтов қимирлайди.

Хайронман, биз ўқиган эртақларда, кўрган мулфилларимизда қуён сабаи, қарам ерди. Аслида, бу жониворнинг табиби жуда нозик бўларкан. Биринчидан, умуман сув ичмайди. Иккинчидан, сабиниёми, қарам-ниям номига қитирлатиб, таъминоти тотади, ёлчибти ёмайди. Барра ўрни эса жуда хуш кўради. Шу боисдан бозордаги ошқўжатлардан олиб келиб берадиган бўлди. Бу қуён деганлари, айниқса, райхон баргига ўч бўларкан. Битта донасини ҳам қолдирмай пақос туширади. Хуллас, оиламизнинг “янги аъзоси” нимани кўпроқ еса ўшани муҳайё қилавердик. Натигада танаси катталашиб семирди, бунинг баробарида ёқимли қилиқлар ҳам чиқара бошлади.

Очиғи, айёрликда қуён азалий рақиб тулкидан сира қолишмас экан. Дастлабки кунлар у бир чет-



да тортинибгина бегонасираб турарди. Қараса, уйдаги шарт-шароитга қўнқимаса бўлмайди. Ахир, одамлар билан бир хонадонда яшагандан кейин эмин-эркин

ҳаракат ҳам қилиши керак-да. Энди қуёнча гоҳ дастурхон атрофини қўриб, хонтахта остидан мўралайди, гоҳ у хонадан бу хонага диконглаб, барчанинг эътиборини ўзига тортади. Чапдастлигини қаранг, югуриб бораётган шартда йўналишини ўзгариради. У ҳам меҳрни, ким қандай муносабатда бўлаётганини тушунади чоғи, кўпроқ кичик қизимга ўзини

Хақиқатан, қуён кемирувчилар оиласига қираркан, қўл телефоннинг “зарядни”ни ишдан чиқарди, девордаги гулқоғозга ҳам ҳужумга ўтди. Бунга қарши эҳтиёт чорасини кўрдик. Қўшнимиздан қушқоғозга сўраб олиб, ичига қуёнчани солиб қўйдиман бўлди. Бечора тор жойда уёқ-буйёқ бурилолмай қийнади. Ичимиз ачиб дам ваннахонага қайтишимиз, дам яна қафасга тикашимиз, ёлчибти оёғининг қиличини ёзилсин, деб уй ичига қўйиб юборамиз. Хуллас, бир киши у билан овора.

**Узам ўқайман**

Албатта, бировга уйда қуён боқайганимиз ҳақида гапириб қўлишимиз. Аммо менинг ичимда гап ётмайди. Бир танишимга айтганда, “Бунинг йўли осон. Сўйиб қозонга бошиш керак, — деб маслаҳат берди. — Қуён гўшти жуда мазали бўлади...” Этим жимирлаб кетди. Ахир, бизга қадрдон бўлиб қолган қуённинг гўштини ейиш...

— Бу қуённинг дастидан ваннахона ҳидланиб кетди, — деб ёзғирди бир кун хотиним. — Ортик бу ахволга чидаб бўлмайди. Қуённи қўшниларида ким олса, ўшанга бериб юбораман. Хоҳласа, сўйиб есин, хоҳласа...

— Яхшиси, мен уни “зоомагнит”га топшириб кела қолай, — деб таклиф киритди ўғлим. — Ҳарна бир-икки сўм пул беради.

— Йўқ, қуёнча бегонанинг қўлига тушса, сўйиб еб қўяди. — деди катта қизим. — Менинг бир дугонам ота-онаси билан ҳовлида яшайди. Қуёнчани вақтинча уларникига қўйиб турайлик, баҳорча.

Улар қуёнчадан қутилишнинг мақбул чорасини айтишаркан, мен сезкин кичик қизимга қарадим. Қўларини яхқаб ёшга тўлган, муғайибгина ўтирибди. Жажжи қўлчалари билан охишта қуёнчани силаб-силаб қўйди. Буни кўриб ғалати бўлиб кетдим. Болала-римнинг қизиқишига яраша шароит яратиб беролмаганимдан ичимда ўқиндим. Назаримда, энг тўғри йўл — қуённи қишлоққа олиб бериб қўйиш. Шундагина қизимнинг қалбига озор етмайди. Қишлоққа борганида меҳр қўйган жониворини кўриб туради...

Мен шу фикрни билдириб, йўл тадбирини бошлаганимда қизимни онаси, акиси ва онаси ўртага олиб, унга қуёнча нега қишлоққа кетаётганини тушунтиришди. Шунда ҳам осонгина рози бўлмади кичимиз. Соғинганида расмини кўриб туриши учун қишқисини суратга туширдик. Ҳатто қуёнчанинг алоҳида белгиларини битта дафтарчага ёзиб қўйдик. Ахирри кўнди...

Мана, орадан бир неча ой ўтди. Ҳали ҳам қизим, қуёнчама қандай юрган экан-а, деб тез-тез эслайди. Қишлоқдан телефон қилиб қолишса, биринчи навбатда, уни сўрайди. Дарвоқе, янги йил арафасида қуёнчани йўқлаб тоққа бормоқчи бўлиб, ҳозир кун санаб ўтирибди.

Менинг кўз ўнгимдан эса қизим қуёнчасини қандай эркаклагани, қулқоқларига шивирлаганига у худди сўзларига тушунгандек киприкларини юмиб, ҳузур қилиб ётгани сира кетмайди.

Суюндик МАМИРОВ

**ҚУЁНЧА**

**Дунё — кенг...**

Бир зум кўз олдингизга келтиринг: сиз яшаётган шаҳарда тўйқусдан электр таъминоти издан чиқди, алоқа воситалари (телефон, телеграф, мобел, интернет ва ҳ.к.) ишламай қолди. Уй-жойлар совий бошлади, кўчаларда уловлар тирбанд, шаҳардан ташқари чиқиш мушкул. Озиқ-овқат етказиб берилмагани боис, аҳолининг аҳволи танг...

Уз даврида К.Циолковский “инсониятни табиатдаги сукунат талтайтириб юборган”, деб ёзганда. Табиат эса, ўз қонунларига қўра ривожланади, фаровон ҳаётнинг ҳам ниҳояси бор.

— Инсоният ё янги шарт-шароитларга мослашади ёхуд Ер юзиде яшай олмай қолади, — дейди Россия Табиий Фанлар академияси муҳбир-аъзоси С.Цианков.

Унинг фикрига қўра, аҳолини Ер қаъри ва Қуёш юзасида кенаятган жараёнлар боис келиб чиқадиган хатарлардан ҳимоя қилиш керак.

Сайёрамиз — улкан магнит. Унинг бир қутби Арктикада, иккинчи қутби Антарктидада жойлашган. Улар орасида геомагнит майдонининг куч йўналишлари мавжуд. Қитъалардан қитъаларга учиб ўтувчи кўчар қушлар айнан мана шундан мўлжал олади. Компас мили ҳам шу куч таъсирида ўзгаради. Қуёшда чақнашлар юз берганда унинг юзасидан фазога плазма — зарядланган (электрланган) заррасимон оқим отилиб чиқади. Улар Ер юзасига етиб келгач, геомагнит майдони куч йўналишлари бўйлаб ҳаракатланади ва қутбларда тўпланади. Турли газлар молекулилари билан тўқнашиб, уларни ёғдуланишига сабаб бўлади. “Қутб ёғдуси” шу тарзда юзага келади.

Қуёшдаги чақнаш қанчалик кучли бўлса, у ернинг магнит майдони ўлчамларини шу қадар кўп ўзгариради. Бундан нафақат ўта

сезувчан одамларга, ҳатто техника воситаларига ҳам зиён етди: навигация (сувдаги ва ҳаводаги кемалар йўналишини белгилаш) ва алоқа тизимлари ишдан чиқди, трансформаторлар индукцияланган ток ҳосил бўлишидан бузилади. Улкан ҳудудларни қамраган энергетика тармоқлари издан чиқди.

1989 йили Канаданинг Квебек провинцияси бир неча дақиқа ичида электр токидан маҳрум бўлди. Олти миллион киши тўққиз соат мобайнида электр қувватисиз


шаклдан аграр тарзига қайтади.

Америкаликлар трансформаторларга янги ҳимоя воситалари (резисторлар) қўйишмоқда. Бу қутилаётган муаммони ҳал этишнинг бир йўли. Бундан ташқари, электр тармоқлари муттасил текшириб турилиши керак. Энг муҳим иншоотларни авария ҳолатларида тўхтаб туриш тизимини ҳам ўйлаб қўйиш тақозо этилади. Масалан, АЭСларни. Россиядаги Кола АЭСи айнан магнит бўронлари қутурадиган кутб доирасига яқин кенгликларда жойлашган.

**ҚУЁШДАГИ ЧАҚНАШЛАР  
Ерга қандай таъсир кўрсатади?**

қолди. — дейди С.Цианков. — Қўрилган умий зарар 13,2 миллион долларни ташкил этди. Бироқ кузатувларга қўра, энг кучли геомагнит бўрони 1859 йили содир бўлган ва унга “Қуёш суперпўртанаси” деб ном берилган. Ушунда Европа ва Америкада телеграф алоқаси ишламаган. Кутб ёғдулари ҳатто Қариб денгизидан ҳам кўринган. Уша пайт Қуёшда юз берган чақнашлар 1989 йилдаги нисбатан ўн баробар кучли бўлгани қайд этилган. Бироқ шу нарсга аёнки, Қуёшнинг фаоллашув жараёнлари ўзининг даврийлигига эга”.

Тахминларга қўра, 2012-2013 йилларда шунга ўхшаш суперпўртана юз бериши мумкин экан. Ҳозир жаҳон олимлари шу ҳақда бонг уришмоқда. Буюк Британияда бу муаммо ҳукумат даражасида муҳожама қилинмоқда. Қуёшдаги биргина чақнашларнинг ўзи жаҳондаги энергетика тизимларини буткул издан чиқаришга қодир. Трансформаторлар ишдан чиқса, янгиларнинг тайёрлаб бўлмайди, негаки заводлар ҳам тўхтаган бўлади. Нефть ва газни қазиб олиб бўлмайди, чунки қонлардаги насослар ҳам электр билан ишлайди. Инсоният тамаддунининг индустриал



У тўхтаса ёки АЭСдан келадиган электр таъминоти узилиб қолса нима бўлади? Ўн йил аввал Қуёшдаги чақнашлар боис, Кола энергия тизимларида узилиш ҳоллари юз берганди...

Гап Қуёшнинг фаоллашуви энг юқори чўққига чиқайганидигина эмас. Геомагнит майдонини кузатиб бораётган обсерваториялар маълумотларига қўра, кейинги 170 йил ичида Қуёш активлиги 10—15 фоиз қусисилган бўлса-да, юз бераятган жараёнлар тезлиги ошмоқда. Бу Ернинг Қуёш радиацияси ва чақнашларидан ҳимояси қусисиланиб қолаётганини англатади.

— Геомагнит майдони қандай ҳосил бўла-

ди? У Ер қаъридаги суяк ва қаттиқ ядролар айланishi ва уларнинг мантяга қатламига ўзаро таъсиридан келиб чиқади, — деб тушунтиради олим. — Бу жараён жуда мураккаб, айна чоғда, даврийликка эга. Геомагнит майдони ўз ўлчами ва йўналишини ўзгариради ҳам. Геологлар томонидан кейинги 4,5 миллион йил мобайнида Ернинг геомагнит қутблари тўрт марта инверсияга учрагани аниқланган: минус плюсга ва аксига ўзгарган. Юз бераётган аломатларга қўра, навбатдаги шундай жараён аллақачон бошланган. Ернинг айрим минтақаларида қарама-қарши қутбли ҳудудлар пайдо бўлган. Бермуд учбурчагини ҳамма билади. Уйлашимча, бу жой қутблари ўзгарган шундай ҳудудлардан бири. Бу ерда магнит бўронлари пайти йўналишини белгиловчи навигация жиҳозлари издан чиқиб, фазода муаллақ қолган самолёт ва кемалар мўлжални йўқотиб, ҳалокатга учраши мумкин.

Марҳум академик Е.Шемакин инсоният келажақда юз беражак хатарлардан ернинг қаттиқ қатлами ичига беркинибгина жон сақлаши мумкин, деб ҳисоблаган. Бошқача айтганда, инсон радиациядан қорлар ва тоғлардаги тунелсимон сунъий иншоотлардагина ҳимоялана олади. “Сув остида шаҳарлар қуриб яшаш жон сақлашнинг яна бир усули. Радиациядан ҳимояланиш учун сув тағига ўн метр тушишнинг ўзи кифоя, — дейди С.Цианков. — Ер қутбларининг охири инверсияси 870 миң йил муқаддам юз берган. Ушунда аждодларимиз қорларга яшириниб омон қолишган. Инверсиянинг ўзи ўн миң йил давом этади. Бироқ ер ости кенгликларини ўзлаштиришга ҳозирдан киришиш керак”.

“АиФ”нинг 47-сонидан.

**САЛОМАТЛИК ЎЗ  
ҚУЛИНГИЗДА**

Ўн йиллар бурун шифокорлар беморнинг хасталигига доир айрим маълумотларни ўзингизга тўлиқ айтишмасди. Ҳозир эса бунга ҳоҳат қолмади. Чунки авваллари, албатта, ўлимга олиб боради, деб ҳисобланган хасталиклар ҳам эндиликда муваффақиятли даволанмоқда. Иккинчидан, бемор ҳаддан зиёд ишга боғлиниб қолган бўлса, уни ҳаёт тарзини ўзгариштиришга, тўғри ташкил этишга ишontiриш жуда қийин кечади.

— Тажрибаларнинг кўрсатишича, бунда фақат “шок муолажа”, яъни беморга ўз умрини неча йилга камайитганини очик айтишигина яхши ёрдам беради, — дейди даволаш-реабилитация маркази шеф-шифокори, тиббиёт фанлари номзоиди Т.Шаповаленко. — Қўлаб мамлакатларнинг мутахассислари эътироф этишича, Ойлаб яшовчи кишилар бошқаларга қараганда 5-7 йил кўп умр кўришади. Тушқунлики эса кўпгина экспертлар сурункали депрессиянинг бир тури сифатида баҳолаб, у, энг аввало, юрак-қон томир, сўнгра асаб-руҳий хасталикларга сабаб бўлади, дейишмоқда.

— Даволаш-реабилитация марказимизда махсус лойиҳа асосида беморлар саккиз ҳафта мобайнида ўз умрларига 15-20 йил қўшиши мумкин, — дея сўзини давом эттиради бош шифокор. — Бунга фақат тўғри овқатланиш ва у қадар мураккаб бўлмаган жисмоний машқлар орқали эришилади.

Кўпчилик соғлом турмуш тарзининг бемисл имкониятларини қадрламайди ва бунга етарли даражада аҳамият берамайди. Ҳолбуки, соғлом турмуш тарзи ҳеч қандай урдулаш қийин бўлган машаққатларни талаб этмайди. Масалга тўғри ёндошсангиз таомларингиздаги ўзгаришни сезмайсиз ҳам. Одатда, одамлар саккиз ҳафтадан сўнг ойнада ўз қиёфаларини кўриб, тажрибани давом эттиришга қарор қилишади.

Бу лойиҳада спортнинг организм чидамиллигини оширадиган пийда сайр, югуриш, чангида учиб, ракс ва велосипед миниб сайр турлига, шунингдек, тўғри овқатланиш меъёрларига алоҳида аҳамият қаратилган. — Ёғли таомларни ёғи кам таомларга алмаштиринг. Масалан, ёғиллиги 18 фоизли творог ўрнига ёғсизланган творог истеъмол қилинг. — Дастурхонингизда ёрмалардан тайёрланган таомлар бўлсин. Одатдаги нон ўрнига дони йирик қилиб тортилган ва қисман кепак қўшиб пийрилган нон истеъмол қилинг. — Қанддан воз келинг — организм учун зарур глюкоза ва оддий углеводларни одатдаги таомлардан етарли даражада оласиз. Шакарли чой ичиш эса болаликдан қолган одат, ҳоло.

— Эрталаб онушадан олдин 1 — 1,5 стакан тоза сув ичинг, кун давомида яна 1,5 литрча сув ичиш керак. Бу томирлар тақилмалар, бўйрак ва қовуқда эса тош ҳосил бўлишидан, шунингдек, терини қуруқлашидан асрайди. Дастурхонингиздан янги сабзавот ва мевалар асло аримасин.

**ИТАЛИЯЛИКЛАР  
ТУЗГА ҚАРШИ**

Италиялик олимлар ширинликка ўч одамларга нисбатан шўр нарсаларни хуш кўрувчилар организмларига кўп зиён етказишини аниқлашди. Уларнинг таъкидлашича, қанд-шарқари оз-оздан истеъмол қилиш қон босимини меъёрда сақлаш имконини беради. Шу сабабли таомлардаги туз нисбатини шакар фойдасига ўзгариштириш тавсия этишади. Албатта, бу пийладаги чойга беш қошиқ шакар солиш ёки макаронга шакар қўшиб ейиш дегани эмас, балки туз-ни қисман камайитириш деганидир. Одатда, одам қуёш ўнграмм туз истеъмол қилади, бу икки чой қошиқ туз деганидир. Агар кардиологлар бу микдорни (айниқса, қон босими ошадиган кишиларда), тенг яримига камайитириш тақлиф этишини ҳисобга оладиган бўлсак, италияларнинг фикрича, янада фойдали меъёр тузун бир чой қошиқдан, шакарни эса ўч чой қошиқдан оширмаслиқни кўзда тутади.

Кўп тузланган ва айна чоғда ўта ёғли таомларни бир пайтада истеъмол қилиш саломатлик учун ниҳоятда хатарли; бунинг оқибатида юрак-қон томир хасталикларини, семириш, ишлар ҳосил бўлишига олиб келади. Шу сабабли италиялардан сўнг фин шифокорлари ҳам сервё ва шўр чипсилардан қўра, қоқ нон, пицца, гамбургери ва бир неча бўлак аччиқ шоколад билан иштаҳани бошичи маслаҳат беришади. Организм шакарга қараганда тузга кўп зарурат сезмаслиги бошқа тажрибаларда ҳам исботланган. Ҳатто бола эмизувчи аёллар сути ситиг сутига қараганда ширинроқ. Гап шундаки, шакар ва глюкоза бош мия фаолияти ва ривож учун асосий куч берувчи манбадир. Чақоқлар туз таъминини илк бор тўрт ойлигидагина сезишади. “Ширинликнинг тузга қараганда ҳақиқатдан ҳам қон томирлар учун зарари қамроқ, — дейди кардиолог олим А. Долецкий. — Бироқ идеал маънода қараганда ҳар иккаласини ҳам қамроқ истеъмол қилган яхши”.

Бу фикрни ошпазлар ҳам маъқуллашмоқда Улар гўшти ширин, қайларини туз ва ёғсиз тайёрлаш, таъмин турли зирavor ва қўталар билан ростлаш, охирида бериладиган десертларга эса озгина туз сепишини тавсия этишмоқда. Парҳез таом тайёрлашнинг янги усули қон босимини туширибгина қолмай, танангизни соғайтиради ва ҳатто қариш жараёнини сусайтиради. Дастлаб тузи кам таомлар таъминидек туолади. Бироқ кўп ўтмай бунга одатланасиз ва туз қамроқ солинганини сезмайсиз ҳам. Шунинг унутмангки, қолбаса, сур гўшт, қоқланган балик, помидор шарбати, пишлок, зайтун салати ва пицца каби махсулотларда туз микдори жуда кўп бўлади. Шу сабабли, сабзавот, мевалар, гўшт, балқичи кўпроқ енг, улар таркибиде туз кам.

**ШИДИРИШ**

Ўзбекистон Ёзувчилар уюммаси Шерият кенгашида шу йилнинг 12 декабр, душанба кунини соат 15.00да таниқдан шонир Зикрилла Неъматнинг “Онам эккан райхонлар” китоби тақдироти доирасида ижодий учрашув ўтказилади. Учрашувга шонир ва ёзувчилар, адабиётшунослар, шерият мухлислари ҳамда барча қизиққанлар тақлиф этилади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюммаси.

**ЭЪЛОН**

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Музейларни қўллаб-қувватлаш республика “Ўзбекмузей” жамғармаси, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон Фанлар академияси, “Мозийдан садо” журнали, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” гаетаси ҳамкорликда

**18 МАЙ — ХАЛҚАРО МУЗЕЙЛАР КУНИ**

муносабати билан

“Йилнинг энг яхши музейи”, “Йилнинг энг яхши музей муҳофизати”, “Йилнинг энг яхши музей эскурсоводи”, “Йилнинг энг яхши музейлар тўғрисидаги курсатув, эшитириш ва мақола муаллифи” номинациялари бўйича республика кўрик-танловини ўтказилади.

Танловда 5 та рағбатлантирувчи мукофот ҳам кўзда тутилган. Ғолиблар диплом ва мукофотлар билан тақдирланади. Танловга тақдим этиладиган ҳужжатлар 2012 йил 31 мартга қадар қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Алишер Навоий номидаги Миллий боғ, “Маданият ва санъат кўргазмаси” маъмурияти биноси. Маълумот учун телефон: 239-45-50

**ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!**

Ўзбекистон Бадий академияси

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги билан ҳамкорликда

Ватан ҳимоячилари кунини ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қучларининг 20 йиллиги байрамига бағишланган бадий асарлар (фото, рангтаъсир, панно, плакат) танловини эълон қилади.

**ТАНЛОВ МАВЗУЛАРИ:**

Ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ҳимоя қилинганлиги ҳақида: ҳарбий хизмати, оиласи, мансий шароитлар (ҳарбий хизматчининг ҳарбий қийинчида ФХДда ниҳондан ўтаётгани, фарзанднинг туғилиши, хонадонларнинг қалгилари тоширилиши ва ҳоказолар), армиямидаги маънавий-маърифий ишлар ва жанговар тайёргарлик, қўшнлар турлари, замонавий техника ва қурол-яроғ намуналари, ҳарбий қийинчи ва уларнинг рамазлари тўғрисида.

**ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ:**

— Танловда малакали ва ҳаваскор ижодкорлар қатнашини мумкин.

— Танловга ўз лойиҳаси билан қатнашганлар Ўзбекистон Бадий академияси ва Мудофаа вазирлигининг махсус дипломлари билан тақдирланади.

— Танлов ҳайъати қарори билан энг яхши деб топилган асарлар Ўзбекистон Бадий академияси ва Мудофаа вазирлигининг совринлари билан тақдирланади ва ҳарбий қисмларнинг клублари, маънавият ва маърифат хоналарига қўйилади. Танлов натижалари оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

— Танловга қабул қилинган лойиҳа ва эскизлар қайтарилмайди.

Қўшимча маълумотлар учун телефон: 256-34-07, 256-51-46

Танловга ишларни қабул қилиш муддати: 2011 йил 25 декабрга. Асарлар ва лойиҳалар қўйидаги маънада қабул қилинади: Тошкент ш., Ш.Рашидов кўчаси, 40-бино. Ўзбекистон Бадий академияси.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

\*\*\*

ҲОМИИ: «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИОНЕРЛИК КОМПАНИЯСИ

**O'zbekiston adabiyoti va san'ati**

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ

Манзил: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32

Қабулхона — 233-52-91 Электрон манзил: uzas@b2c.uz

Котибият — 233-49-93

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 236-56-50 Санъат бўлими: 236-56-48 Ижтимоий ҳаёт бўлими: 236-57-42 Назм ва наср бўлими: 236-58-55

Тажрибасиз келган қўлёмалар таъминати этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тажрибасиз натижадан фарқланган бўлса мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ

Навбатчи муҳаррир — Рустам МУСУРМОНОВ

Саҳифачи — Элёр МАҲМУДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бошқармаси.

Босмақола маънаси: Булоқ Турро кўчаси, 41 уй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 23.18

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 13.06.2007 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адади — 4415 Ёзувчилар Г. — 1244. Ҳажми — 3 бошма табоқ А-2. Нашр қилинган ўрни — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5